Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 октябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 200 (1452)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. ЖЎРАБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдувоҳид Жўрабоев Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 октябрь.

ДОННИ ОБИ-ТОБИДА ЭККАН ЮТАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ САЪЙ-ҲАРАКАТ ҚИЛИНМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, БУСИЗ ЮРТНИ БАДАВЛАТ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. АНА ШУ МАҚСАДДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ АВГУСТ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРИДА ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАРЧА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ.

Шунга қарамай, кўпгина туман, хўжалик раҳбарлари мазкур қарорларни бажаришда сусткашликка йўл қўймоқда. Натижада ўтган мавсумдаги хатолар такрорланиб, кузги дон экиш муддатлари кечикаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигида 1 октябрь куни ўтказилган сим орқали кенгаш ана шу долзарб масалага бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоят ва туманлар ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, молиячиқисод ва маъмурий органлар раҳбарлари қатнашди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Республикамизда кузги дон экишнинг аҳволи қандай? Ўтган йили йўл қўйилган хатолар такрорланмяяптими? Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ана шу масалаларга батафсил тўхталди. Хусусан, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ерни шудгорлашни 1-5 октябрда тугаллаши лозим эди. Аммо, бу вазифа эндигина 55-80 фоиз бажарилди. Ерни ҳайдашдан илгари гектарига 70-150, айрим жойларда 220 килограммгача минерал ўғит солиш кўзда тутилган эди. Бироқ, бу йил республикамизда минерал ўғит етарли бўлишига қарамасдан, мазкур топшириқ бажарилмаётир.

Ўтказгазиб беришда мутасаддилар ташкилотлар биринчи навбатда республикамиз хўжаликларини минерал озуқа билан таъминлашни йўлга қўйган. Аммо, уни дала бошига ўз вақтида етказиб бериш ишлари пайсалга солинмоқда.

Деҳқончиликда уруғнинг сара бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Лекин, ерга нормадагидан кам уруғ сочиш ёмон оқибатларга олиб келади. Белгиланганидан кам уруғ сочган деҳқон биринчидан ўзини, қолаверса, халқни алдайди. Республикамизнинг айрим туманларида гектарига 250 ўрнига атиги 100-150 килограммдан дон сепилаётгани маълум бўлди.

Республикамиз мутахассислари ҳар доимгидек бу ғал ҳам уруғни дорилаб экишни тавсия қилмоқдалар. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир туманда уруғ бир жойда дориланиб, сўнг хўжаликларга тарқатилади. Ҳозирга қадар бу вазифа хўжаликларнинг ўзида бажариб келинмоқда. Натижада уруғ етарли дориланмай экиш ҳоллари рўй бермоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси вилоят ва туман раҳбарларига ўзлари учун етарли уруғ жамғариш лозимлигини тавсия қилиб келди, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Аммо, кўпчилик хўжаликлар бу талабга юзаки муносабатда бўлди. Айрим туманлар раҳбарлари уруғлик донни давлат буюртмасини бажариш учун топшириб юборди. Бу ҳол яқинда қабул қилинган қонунга ҳам хилофдир. Шунга қарамай, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари хўжаликларида ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинмади. Натижада уруғлик етишмаслик ҳоллари учрамоқда. Бу эса юқоридаги каби уруғликни кам сепишга олиб келмоқда.

Айрим хўжаликларда экиш агрегатлари етишмайди, мавжуд техника эса қониқарсиз таъмирланган. Ҳайдов тракторларининг техник ҳолати талабга жавоб бермайди. Бугунгача республикамизда суғориладиган ерларда 333 минг гектар ёки 33 фоиз майдонга ғалла экилди. Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткич 10-17 фоизни ташкил этади.

Мазкур кенгашни ўтказишдан мақсад, деди нотиқ, 1997 йилда ғалла ҳосилдорлигини ошириш тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қандай бажарилаётганини, ҳақиқий аҳволни билишдан иборатдир. Чунки бу масала давлатимиз бошлиғининг доимий диққат-эътиборида турибди.

Сим орқали мулоқотда сўзга чиққан нотиқлар кузги дон экишни муваффақиятли ўтказиш чоратадбирлари, хусусан, суғориладиган майдонларда ғалла экишни октябрнинг биринчи ярмидаёқ тугаллаш, ниҳолларни биринчи ноябргача ундириб олиш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Бу вазифаларни бажаришда техника қудратига суяниш, уруғларни кўрсатилган меъёрда дорилаб, тупроққа етарли миқдорда минерал ўғит сочган ҳолда экиш жуда муҳим. Шунингдек, кенгашда чорва озуқаси жамғариш ҳамда кечки картошка ҳосилини нест-нобуд қилмай териб олиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Донни қисқа вақт ичида ва сифатли экиб олиш учун нималар қилишимиз керак? — деди Исмоил Жўрабеков ўзининг якунловчи сўзида. Аввало, ернинг ҳақиқий эгаси бўлиш учун уни деҳқонларга ва оилавий звеноларга бириктириб қўйиш, бунинг учун қисқа муддатда ижара шартномаларини тузишни ниҳоясига етказиш лозим. Деҳқонга етарли шароит яратиб берилган тақдирдагина у самарали меҳнат қилиши мумкин. Ғалла, пахта экиладиган майдонлар бир йил эмас, кўп йилга ижарага берилиши лозим. Шундагина деҳқон қалбида ишонч пайдо бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳар йили кўплаб ғалла майдонларини чорва моллари пайхон этмоқда. Бунга чек қўйиш вақти етди.

Ғаллачиликда октябрь ойи ҳал қилувчи палла. Бунинг учун уруғ агротехника асосида экилишини қатъий назорат қилиш лозим. Серкесак ва шўрхок ерларга сепилган уруғдан бўлиқ кўчат ундириш маҳол. Бунинг учун тупроқ камида 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб; сихмола қилиниши керак. Фосфорли ўғитларнинг 70 фоизи ерни шудгорлаш ва уруғни экиш даврида солиниши лозим. Бундан ташқари, эгатларга уруғ сепишда Андижон технологиясидан фойдаланиш ҳам мумкин. Маълумки, ҳосил чўғи ерга ташланган уруғ миқдорига боғлиқ бўлади. Бир квадрат метр жойга 600 дона уруғ тушишига эришиш лозим. Айрим хўжаликларда ҳар гектар ерга 250 ўрнига атиги 70-80 килограмм уруғ сепиб кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда.

Республикамиз ғаллакорлари олдида бугун ҳар қачонгидан ҳам масъулиятли ва юксак вазифа — кузги дон экинларини илиқ-иссиқ кунларда тобида экиб ундириб олиш вазифаси турибди, деди И. Жўрабеков. Эрта эккан — эрта ўради. Ишончимиз комилки, республикамиз ғаллакорлари барча чора-тадбирларни кўрган ҳолда иш юритиб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратадилар.

Кенгашда Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Гиниятуллин, Ў. Исмоилов, К. Раҳимов, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Пўлат НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

Ишонч ёрлиғи топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шамсуддин Бобохонов Аммон шаҳрида Иордания Қироли Ҳусайнга Ўзбекистон Республикасининг ўриндошлик йўли билан Иордания Ҳошимийлар Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси сифатида ишонч ёрлиғини топширди.

Қирол Ҳусайн билан самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, шунингдек, иқтисодиёт, фан ва маданият соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш йўллари муҳокама қилинди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

ТРАКТОРСОЗЛАРНИНГ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси очиқ турдаги давлат акционерлик жамиятига айлантирилди. 1 октябрь куни корхонада бўлиб ўтган таъсис конференциясида шундай қарор қабул қилинди. Конференция Республика Бош вазири Ў. Султонов раҳбарлигида ўтди.

У ўз нутқида Ўзбекистон ҳукумати корхоналарни, айниқса йирик корхоналарни акциялаштиришга катта эътибор бераётганини таъкидлади. Пухта тайёргарлик асосида «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти тузилган эди. Энди эса, яна бир йирик корхона — Тошкент трактор заводида акциялаштириш жараёни бошланди.

Тракторсозлар жамоасидан ташқари Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», «Ўзсаноатқурилишбанк» янги давлат-акционерлик жамиятининг муассислари бўлди. Конференцияда таъсис шартномаси ва «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти низоми тасдиқланди, унинг раҳбар органлари — кузатувчи кенгаш, тафтиш комиссияси, директорлар кенгаши ва унинг раиси сайланди.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, мазкур жамиятнинг тузилиши рақобатбардошли тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олишни техника билан яхшироқ таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шу жумладан халқ истеъмоли моллари турларини кўпайтириш, корхона жамоасининг турмуш даражасини ошириш имконини беради.

Конференция ишида Бош вазир ўринбосари В. Чжен иштирок этди.

(ЎзА).

ТАРИХ — ЁШЛАР МЕРОСИ

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти билан ҳамкорликда «Тарих — ёшлар мероси» мавзуида учрашув ўтказди.

Унда олим ва ўқитувчилар, санъат арбоблари, маънавият тарғиботчилари — шоиру ёзувчилар қатнашди.

Учрашувда сўзга чиққанлар отабоболаримиздан бизга мерос қолган бой тарихий ёдгорликлар, илм-фан соҳасидаги кашфиётлар, урф-одатлар гоят катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Вазирлар Маҳкамасининг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорида ана шу бебаҳо меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, айниқса, ёшларимиз онгига миллий ғурур, миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш каби вазифалар белгилаб берилди. У жамғарма фаоллари, барча зиёлилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Анжуман қатнашчилари эътиборига Марказий Осиё халқлари қўёшти, уларнинг маданияти, анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томошалар ҳавола этилди.

(ЎзА).

МУЗОКАРАЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Россия хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Сергей Харламовнинг Чеченистон раҳбарлари билан музокаралари ниҳоясига етди.

Музокараларда Чеченистон Президенти Зелимхон Яндарбиевнинг Москвада Бош вазир Виктор Черномирдин ва хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь билан учрашуви муҳокама қилинди. Москвада эса ёпиқ эшиклар ортида Чеченистонни демилитаризация қилиш ҳақидаги битимни бажариш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Унда Лебедь раислик қилди. Чеченистонда вазият ҳамон мураккаблигича қолаётган бўлса-да, у ердан Россия қўшинларини олиб чиқиш жадвали бажарилмоқда. Россия ҳарбий прокуратураси Чеченистондаги Россия Ички ишлар қўшинларининг собиқ қўмондони генерал майор П. Андриевский устидан суд иши қўзғади. Генерал март ойида Грозний шаҳрига чеченлар ҳужум қилган вақтда шаҳарни ҳимоя қилишда масъулиятсизлик қилганликда айбланмоқда.

ИЗЕТБЕКОВИЧ ОГОҲЛАНТИРМОҚДА

Босния Президенти А. Изетбекович БМТ Бош Ассамблеясини огоҳ қилиб шундай деди: мабодо, Дейтон шартномаси шартлари бажарилмаса, Босния ва Герцеговинадаги қарама-қаршилик яна қайтадан жонланиши мумкин.

Изетбекович маҳаллий хорватларни танқид қилиб шундай деди: хорватлар сохта Герцег-Босна давлатини тузишга бир неча бор ваъда берганларига қарамасдан, ҳамон ўз сўзларининг устидан чиқмяяптилар. Шунингдек, серблар ҳам мусулмонларни ўз юртларига қайтишларига тўсқинлик қилмоқдалар. Изетбекович барча ҳарбий жиноятчилар Гаага трибуналига тортилиши керак, деди.

МАНУКЯН ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Арманистон Президенти вакили Шахен Карманукян ва ички ишлар министри Вано Сирадегян парламент биносига ҳужумни, «фашистик давлат тўнтаришига уриниш», деб баҳолаб дилар.

Бош прокурор А. Геворкян тартибсизликлар раҳбарларига «давлат тўнтаришига уриниш» айби қўйилишини билдирди. Телевидениеда сўзга чиққан Президент Левон Тер-Петросян рухсат берилмаган барча митинглар ва намойишлар тақиқланганлигини билдирди. Ереванга танклар ва бронетранспортёр киритилди. Арманистон парламенти ўта кўпчилик овоз билан Манукяндан дахлсизлик мақомини олиб ташлади. Шундан сўнг эса у ва унинг айрим издошлари қамоққа олинди.

ШАҲРИСАБЗДА ТЎЙ ТАРАДДУДИ

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи тантаналари яқинлашган сари соҳибқирон юрти Шаҳрисабзда бу қутлуғ тўйга ҳозирлик тобора қизимоқда.

Шу кунларда қўҳна Кеш да бўлган киши шаҳарда амалга оширилаётган ишларни кўриб ҳайратланади. Вақт ўтиши билан путурдан кетган ноёб обидалар мустақиллигимиз шарофати туфайли қайтадан яшармоқда. Айниқса, Оқсарой ва унинг атрофида амалга оширилаётган ободончилик ишлари инсон астойдил кириша нималарга қодир эканлигини кўрсатиб турибди. Айни вақтда Оқсарой майдонидаги 9 гектар ер кўкаламзорлаштирилиб, бу ерда қад ростлайдиган Амир Темурнинг салобатли ҳайкали атрофида гулзор ва хиёбон барпо этилмоқда. Гул ва майсаларга сув тараб туриш учун 21 минг дона фавворача ўрнатилаяпти. Майдонда Қашқадарёдаги энг йирик қурилиш ташкилотларидан ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан кўмакка келган 2,5 мингдан зиёд қурувчи ва усталар меҳнат қилаяпти.

Шаҳрисабзда улкан тўйга тайёргарлик ишлари бевосита республика юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси назорати остида бажариляпти. Ўтган шанба куни бу ерда мазкур ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов бошқарди.

Йиғилишда юбилейга тайёргарлик кўриш бўйича масъул идора ва бирлашмаларнинг вакиллари, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди. Йиғилиш қатнашчилари юбилейга тайёргарлик борасида катта ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бирга, бу борада мавжуд камчилик ва муаммоларга эътиборни қаратдилар. Уларни тезда бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(ЎзА).

МОЛИЯЧИЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВИ

ВАШИНГТОН. ЎзА махсус мухбири Сангин ЖАББОРОВ хабар қилади:

Америка Қўшма Штатлари пойтахти Вашингтон шаҳрида 1 октябрь куни Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро валюта жамғармасининг анъанавий эллик биринчи йиғилиши бошланди. Бу йилги йиғилишда 180 дан зиёд мамлакатдан келган 12 минг нафар молиячи, ишбилармон ва саноатчилар қатнашмоқда. Унда иштирок этаётган мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов раҳбарлик қилаётир.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

1 октябрь куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Элком Осиё — Элкомоффис-96» халқаро кўргазмаси очилди. Бу энергетика, электрлаштириш, алоқа учун зарур маҳсулотлар, шунингдек, идоралар учун компьютер техникаси ва жиҳозларнинг дастлабки кенг кўламли кўргазмасидир. Уни «Фэртрейд Унд Аусштеллигс ГМБХ» Германия фирмаси билан «Ўзэкспомарказ» Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Алоқа вазирлиги ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг фаол иштирокида ташкил этди.

14 мамлакатнинг 73 фирмаси кўргазмага ўз маҳсулотларини тақдим этган. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг кўп корхоналари бу ерда ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

Телекоммуникация воситалари, энергетика ускуналари ва бошқа замонавий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган жаҳонга машҳур «Эй-Би-Би» ва «Моторола» фирмалари бу тадбирнинг расмий ҳомийларидир.

Кўргазма билан таништириш маросимида қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам имзоланди. Чирчиқ трансформатор заводи билан «Эй-Би-Би» концерни қўшма корхонанинг муассислари бўлади.



«Автопойга — 96»

«ГАП ЙЎҚ, МАШИНАЛАРИНГИЗ АЪЛО»

Махсус мухбиримиз В. ДРАЧЕВ автопойга трассасидан хабар қилади:

ҚИРҒИЗИСТОН

Андижон вилояти Қирғизистон чегараси билан туташ. Икки қондош халқ азалдан борди-келди қилишади, қиз олиб қиз беришади. Йиллар синовидан ўтган ўзаро дўстлик ва биродарлик ришталарининг илдизи чуқур, мустаҳкам. Шунинг учун бўлса керак, Асака шаҳридан чиқиб, Ўшга йўл олган автопойга қатнашчиларининг кўнгиллари хотиржам эди. Зеро, қардошлар даврасида бўлиш наинки фойдали, балки ёқимли ҳамдир.

Кеч тушиб қолганига қарамай, шаҳар кўчалари одатдан ташқари гавжум эди. Мустақил Ўзбекистондан келган меҳмонлар иззату икром билан кутиб олинди. Икки ўртада самимий мулоқотлар бўлди. Айниқса, бизнесмеклар, ишбилармон доираларнинг вакиллари машиналаримизни диққат билан кузатишар, улар ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилишар эди. Буни тушуниш мумкин, албатта. Бизнесмеклар — амалий фаолият одамлари. Уларни қуруқ гап, чиройли ташбеҳлар билан қойил қолдиролмайсан. Бозор талабига, молнинг сифати ва тархига қараб хулоса чиқаришади.

Жалолобод шаҳрида бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Тўпланганлар орасида бизнес оламининг вакиллари кўпчилик бўлиб, «ЎзДЭУавто» машиналари уларда алоҳида қизиқиш уйғотганлиги кўриниб турарди. Ўзаро мулоқотлардан маълум бўлдики, қирғизистонлик тадбиркорлар Асака автомобилларини етказиб бериш ва сотиш юзасидан шартнома тузишга тайёр. Ишлар юришиб кетгандан сўнг жойларда сервис хизмати шохобчаларини ҳам ташкил этиш мумкин.

Автогуруҳ таркибидаги мутахассислар ушбу масалаларга ойдинлик киритиб, Ўзбекистон автомобилсозлигининг истиқболи ва имкониятлари ҳақида сўзладилар.

— Гап йўқ, машиналарингиз аъло, — дейди тадбиркор Б. Раниев. — Кўпчиликни уларнинг нархи иккилантираяпти. Бу масалани ҳал этиш мумкин. Қирғизистонда тезроқ «ЎзДЭУавто» фирмаси очилса, айни муддао бўларди.

Яна йўлдамиз. Жалолобод ортда қолди. Автоколонна катта-кичик қўрғонлар орқали тоғ манзилари бўйлаб олга интилади. Пастда — Норин дарёси. Сувнинг салқин эпкини очиқ ойналардан юзга урилади. Довон йўлида машиналарда зўриқиш аломатлари сезилгани йўқ. Аксича, улар паст-баланд ўнгирлардан белгиланган тезликда ўтиб, пишиқ-пухта ва чидамлилигини яна бир бор намоён этди.

Қирғизистон пойтахти — Бишкекка етқунча бизни хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатадиган хусусий-қўтқарув фирмаси директори В. Паномарев кузатиб борди. Унинг ўзи «ашаддий» автоқаваскор. 30 йилдан бери ушбу машғулот билан шуғулланади. Бинобарин, турли маркадаги замонавий машиналардан яхши хабардор.

— Сизларнинг «Дамас»ингиз бизнесмен сифатида эътиборимни тортди, — дейди у. — Бу машинани «кўз остимга» олиб қўйдим. У тоғ йўлларида юриш, кичик сайёҳлик гуруҳларини ташиш учун жуда қулай. Бошқа машиналарингиз ҳам бугунги бозор талабларига тўла жавоб беради. Сифатли, бежирим.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси таркибидаги кўп тармоқли «Ёрдамчи» бирлашмаси тижорат директори Ю. Белолипецский бир неча кундан бери автопойгачилар сафида. У гуруҳнинг таъминоти, хавфсизлиги ва дам олишини ташкил этиш билан шуғулланади.

— Биз мамлакатимизда автомобиль туризмини ривожлантириш муҳимлигини назарда тутиб, бу хайрли ишга бош қўшдик, — дейди Ю. Белолипецский. — Зеро, Асака машиналари ўзининг пишиқ ва мустаҳкамлиги, тезкор ҳаракати билан ишончимизни тўла оқлаяпти. Яқин келажакда янада қатъароқ режа устида ўйлаяпмиз. Яъни Хитой, Эрон, Туркия, Греция ва Италиянинг ўз ичига олган «Буюк ипак йўли» бўйлаб 22 минг километр масофада реклама автомарофони ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу ҳақда энди рўй-рост гапириш мумкин. Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди. Унинг техник-иқтисодий соҳадаги имкониятларини намойиш этишда «ЎзДЭУавто» машиналари энг ишончли воситалар.

ҚОЗОҒИСТОН

Тоғ йўлларидан бораркамиз, иккита катта довондан ўтишга тўғри келди. Уларнинг бири денгиз сатҳидан 3500 метр баландликда жойлашган. «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари олдинма-кейин боришмоқда. Улар билан ёнма-ён қудратли «КАМАЗ»лар, «МАЗ»лар... Ҳайдовчиларимиз руль чамбарагини сезгирлик билан айлантиришади. Чунки тоғ йўлида эътиборсизликка берилиш асло мумкин эмас. Машиналаримиз бу сафар ҳам панд бермади. 10 километрлик қалтис масофа хавф-хатарсиз босиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасидаги элчихонасида автопойга қатнашчилари қизғин ва самимий кутиб олинди. Элчихонанинг матбуот котиби М. Мамараззоқов ўзаро суҳбатда шундай деди:

— Биз ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрдик. Машиналаримиз рекламасига бағишланган учрашувлар ташкил этилди. Қозоқ диёрида Асака автомобилларининг намойиш этилиши бу — Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти ва турли соҳаларда эришаётган ютуқларига жонли мисолдир. Фикримизча, Қозоғистонда «ЎзДЭУавто» ваколатхонаси қанча тез ташкил этилса, шунча яхши. Чунки бу ерда машиналаримизнинг ихлосмандлари бисёр.

Уч йилдирки, Алмати шаҳрида «ДЭУ-Алем» қозоқ-корейс қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Унинг президенти Ким До Ки билан бўлган мулоқот самимий руҳда ўтди.

— Корхонамиз асосан «ДЭУ» корпорацияси шохобчаларида ишлаб чиқарилган «Дамас», «Нексия», «Тико» ҳамда «Принц» ва бошқа хилдаги машиналарни реализация қилиш билан шуғулланади. Ҳозиргача харидорларга 5000 та автомобиль сотдик. Техник хизмат кўрсатиш устахонаси, эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд. Биз шунингдек, «ЎзДЭУавто» билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Ўртамизда рақобат бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳаммамиз битта фирманинг манфаатлари йўлида хизмат қиламиз.

Автопойга ниҳоясига етмоқда. Унинг иштирокчилари Жамбул ва Чимкент шаҳарларида бўлиб, 2 октябрь куни Тошкентга йўл оладилар.

«СУВЖИҲОЗГАЗ» ҚК: ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ АСРАШДА ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Табиат ер ости бойликлари борасида Ўзбекистонга сахийлик қилган. Мамлакатнинг деярли ҳамма бурчларида қазилма бойликлари мавжуд. Улар орасида нефть ва газ конлари алоҳида ўрин тутади. Газли ва Шўртан, Қоровулбозор ва Фарғона водийси... бу жуғрофий номлар нефть ва газ қазиб олиш билан узвий боғлиқдир. Улар Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигига эришишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Масалан, мутахассислар мавжуд газ заҳираларини миллиардлаб куб метр миқдорида баҳоламоқдалар. Уни қазиб олиш ҳажми эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. Президент И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июлда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқида шундай дея таъкидлади: «Жорий йилда республиканинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати давом эттирилди. Нефть ва газ саноати барқарор ривожланмоқда. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўтган йилги даражаси юқори бўлганига қарамай, бу йил уларни ишлаб чиқариш ҳажми 230 минг тонна, табиий газ — 130 миллион куб метр, қўмир — 44 минг тоннага ошди».

Газ қазиб олиш ҳажми ортиб борган сари ундан тежаб-тергаб фойдаланиш вазифаси ҳам ўткирлашиб бормоқда. Бир қарашда бу ҳол ақл бовар қилмайдигандек туюлади. Аммо бу қонуний ҳолдир. Зеро, истеъмолчилар сони тобора ортиб бормоқда ва ҳар ким табиий бойликларга нисбатан тежамкорлик билан муносабатда бўлмоғи лозим.

> **• Ер ости бойликлари битмас-туганмас эмас.**
>
> **• Келажак авлодни ҳам ўйлайлик.**
>
> **• Бир жанжал тарихи.**
>
> **• Ўзбекистонда чет эл инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган.**

Иқтисодий фикрлаш ҳам шуни тақозо этмоқда. Бозор муносабатлари ҳаммадан табиий ресурсларга жонкуярлик ва тежамкорлик билан қарашни талаб этади. Табиий бойликлар чекланган бўлишини, уни талон-торож қилиш ва беҳафоросатларча ишлатиш республика иқтисодиётини емиришга олиб келишини ҳеч ким унутмаслиги керак.

Сув ҳам мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Баъзилар айтиши мумкин: «Ҳўш, нима бўпти? Бир вақтлар тоғнинг қорли чўққиларидан бошланган дарёлар неча асрлаб ўтиб, ҳамон оқиб ётибди. Норин, Зарафшон, Қашқадарё, Сирдарё, Амударё... Текин сув, истаганингча олавер...». Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Бундай хато қарашлар ва сув ресурсларига нисбатан хўжасизларча муносабатлар учун табиат аёвсиз ўч олади.

Ҳар бир хонадонга сув тозаланиб, ичишга яроқли бўлиб келиши учун озмунча маблағ сарфланмайди. Аммо биз буни доим ҳам ёдимизда тутамизми? Сувни тежамкорлик билан ишлатиш ҳақида доимо бирдай қайғурамизми? Афсуски, кўпинча бунинг акси бўлади. Кўпқаватли уйларнинг деразаларидан пастга ту-

(Давоми 2-бетда).

ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАГАНИДЕК...

Ўзбекистон йилдан-йилга Марказий Осиёдаги муҳим сиёсий ва иқтисодий марказга айланиб бормоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, барқарорлик, хорижий ишбилармонлар учун яратилган имкониятлар ва кафолатлар самараси ўлароқ жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг юртимиз билан ҳамкорлик алоқалари ортмоқда. Мамлакатимиз қонунларнинг устиворлиги қарор топадиган ҳуқуқий давлатга айланиши учун кафолат яратилди. Барчанинг қонун олдида тенглиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда тенг ҳуқуққа эгаликлари Конституциямизда баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис тўртинчи сессиясида қилган маърузасида: «Оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради. Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилишса мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади», деган эди.

Дарҳақиқат, мансабдор шахсларнинг коррупция ва порахўрликлари, қонунларга беписандликлари жамият маънавий асосларига зарар етказа бориб, охироқибатда унинг манфаатларига жиддий хавф солади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ўз фаолиятида масъул лавозимлардаги шахсларнинг коррупция, порахўрлик билан шуғулланишига қарши муросасиз муносабатда бўлмоқда.

Миллий хавфсизлик хизмати иқтисодий хавфсизлик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бош бошқармаси ходимларининг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли давлат идораларининг барча тизимларидаги хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноятга қўл урган масъул лавозим эгаларининг кирдикорлари фош этилмоқда. Шулар қаторида суд ва прокуратура органларининг ходимлари борлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир.

Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида қонунларнинг устиворлигини таъмин этувчи суд ва прокуратура органларининг зиммасига катта масъулият юклайди. Тан олиб айтиш керакки, прокуратура ва суд органлари мамлакатимизни жиноятчилик, порахўрлик, нопоклик иллатларидан тозалаш, қонунбузарликларни бартараф этиш ва бундай жиноятларга одил жазо тайинлаш борасида қонунларимизга суянган ҳолда иш юритмоқдалар. Лекин «гуруч курмаксиз бўлмайди», деганларидек баъзи бир нафси оч кимсалар бундай покиза номга доғ туширишга келмоқдалар. Жумладан, Қашқадарё вилояти махсус прокуратураси терговчиси Фарҳод Полвонов Л. Хегайни гувоҳ сифатида прокуратурага чақиради. Прокуратурага гувоҳ сифатида чақирилган Хегайдан ҳаққоний кўрсатмалар олгач, уни ушбу жиноий иш юзасидан озодликдан маҳрум этиш билан қўрқитади ва унинг ишини тўғрилаб бериш учун ундан 3 минг АҚШ доллари талаб қилади. Порахўр терговчи 2 ярим минг доллар миқдорида пора олаётганида қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-бандига мувофиқ жиноий иш қўзғатилди. Суд Ф. Полвоновга нисбатан 12 йил жазо муддатини белгилади.

Фарғона вилояти тергов бўлимининг прокурори Аҳад Турғунов ҳам пок номини булғаганлардан бири. У Фарғона вилояти фуқароси К. Сиддиқовдан 270 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида қўлга тушди. Тергов жараёнида айби фош этилди. Фарғона вилоят судининг ҳукмига биноан у 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани прокурори Азиз Ҳакимов ҳам ўз ҳамкасбидан пора олишда ўтса ўтар эканки, асло қолишмас экан. А. Ҳакимов «Ўртаосиётранс» автокорхонаси Тошлоқ бўлими директори М. Матмисаевни прокуратурага чақириб, гўёки унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиш арафасида турганини айтади. Бу ишни «ёпди-ёпди» қилиш учун эса 25 минг сўм товон пули сўрайди. А. Ҳакимов 9 минг 700 сўм ва 150 АҚШ долларини қуртдек санаб олаётганида тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Шу ўринда мамлакатимиз меҳнаткашларининг, оддий фуқароларнинг манфаатларини ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши керак бўлган суд органлари ва судьялар фаолияти ҳақида тўхталиб ўтмоқ жоиздир. Маълумки, судьялар ўз холисликлари, бетарафликлари, ҳар бир масаланинг моҳиятини, у ёки бу воқеанинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил эта билишлари, қарамақарши нуқтаи назарларни тарозига солиб ҳар бир воқеага одил баҳо бера олишлари билан ажралиб турадилар.

Аммо, минг афсуски, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2-тоифадаги судьяси Х. Қаршиев ва шу суднинг судьяси А. Назаровлар бундай ахлоқий меъёрларни бир четга йиғиштириб қўйганга ўхшайдилар. Бўлмаса, «Кўҳитанг» масъулияти чекланган корхонаси директори Н. Салбиевга уялмай-нетмай ўз хизматларини таклиф этишмаган бўларди. Улар масъулияти чекланган «Кўҳитанг» корхонасига Шеробод туманидаги 17- совхознинг дебиторлик қарзини ундириб бериш эвазига унинг директори Н. Салбиевдан 20 минг сўм пул таъма қилишди.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, киприк қоқмай пулни санаб олаётган икки «ишбилармон» судья қўлга олинди. Вилоят прокуратураси томонидан уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бу йил мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиш томон юз бурди. Иқтисодиётнинг юксалиши эса солиқларнинг давлат бюджетига ўз вақтида келиб тушиши, барча солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунларига риоя этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу мақсадларда фаолият кўрсатадиган Давлат солиқ қўмитаси ва унинг таркибига кирувчи божхона бошқармасида ҳам қонун устиворлигини эмас, аксинча ўз чўнтагини қappайтиришни мақсад қилиб олган ноқаслар ҳам йўқ эмас экан. Ана шундайлардан бири Тошкент шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи Равшан Нишонов бўлиб чиқди. У 500 сўм пора олаётганида қўлга тушди. Миробод район суди ҳукми билан у 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Қарши шаҳар солиқ инспекцияси инспектори Фахритдин Абрўев ҳам ана шундай «уддабурон»лардан бири бўлиб чиқди. У тижорат билан шуғулланувчи Бурҳон Рўзиевдан 5 минг сўм пора олаётганида тезкор гуруҳ томонидан қўлга олинди.

Жиззах тумани солиқ инспекциясининг катта инспектори С. Пардабоев Жиззах шаҳар фуқаролари Г. Иномова ва С. Нўъмоновалардан 4 минг 500 сўм миқдоридаги дори-дармонларни пора сифатида олаётганда қўлга тушди. Вилоят прокуратураси томонидан унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Когон темир йўл станцияси божхона пости бошлиғи Умар Абдуносиров ва шу пост инспектори Аваз Муродбековлар ҳам «нафси ҳакалак отган»лардан экан. Улар шу божхона пости орқали ўтаётган 115 йўловчидан 6 миллион Россия рубли ва 115 минг сўм пулни пора сифатида олаётганларида тезкор гуруҳ томонидан ушландилар.

Бухоро вилояти прокуратураси томонидан уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Биз юқорида тилга олган ҳоллар, яъни давлат идораларининг масъул лавозимларидаги, айниқса ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимларининг коррупция, порахўрлик билан шуғулланишлари халқнинг кўз ўнгида ушбу идораларда ишловчи қонун посбонларининг обрўсини тўкиши, уларга нисбатан ишончсизлик туғдириши шубҳасиздир. Бу эса ўз навбатида қонун устиворлиги, унинг барчага баробар эканлиги таъмин этилаётган, одил ҳуқуқий жамият қураётган мамлакатимизнинг ҳуқуқий асосларига болта ориш билан тенгдир. Шу сабабдан ҳам масъул лавозимлардаги шахсларнинг, жумладан қонун посбонларининг коррупция, порахўрлик билан шуғулланишларига қарши кураш, уларнинг қонун олдида жавобгарликларини таъминлаш ва жиноий кирдикорларини очиб ташлаш бундан кейин ҳам Миллий хавфсизлик хизмати кўпқиррали фаолиятининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш доирасидаги муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Миллий хавфсизлик хизмати матбуот гуруҳи.

ЯНГИЙЎЛЛИК ТАДБИРКОР

Янгийўл шаҳрида тадбиркор Ҳудойберди Раҳимов ташаббуси билан савдо маркази барпо этилди. Ушбу иншоотнинг ишга туширилиши шаҳарликларга катта қулайлик яратди. 120 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

СУРАТЛАРДА: савдо марказининг умумий кўриниши; қандолатчи З. Турғунова; новвойлар Ш. Раҳмонқулов ва Р. Ҳусанова иш устида.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида 1995 йилги сармоялар бўйича умумжаҳон ҳисоботномасини таништиришга бағишланган матбуот анжумани бўлди.

Унда БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Холид Малик журналистларга сармоялар, савдо ва халқаро сиёсат билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди.

Ҳисоботномада маълум қилинишича, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга жалб этилган хорижий сармоялар 1995 йилда 40 фоиз ўсиб, 315 миллиард АҚШ долларига етган. Бу маблағларнинг катта қисми ўрта ва кичик корхоналар ҳисобига тўғри келаётир. Сармоянинг тижорий алоқалардан фарқи шундаки, у аниқ муддатга, муайян лойиҳага эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда катта аҳамият касб этади.

САХОВАТНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Қашқадарё вилоят Қизил ярим ой жамиятининг ташаббуси билан бундан икки йил муқаддам «Ногирон» фирмаси ташкил этилган эди. Ушбу фирма фаоллари қисқа муддат ичида ногиронлар, кам таъминланган оилалар ўртасида катта обрў-эътибор қозонди. Чунки фирма ўзининг меҳр-саховати, олийжаноб ҳиммати туфайли хаста қалб эгаларининг таянчи, суянчиғига айланди.

Фирма раҳбари, иқтидорли ташкилотчи Қалқон Мирзаевнинг айтишича, «Ногирон» фирмаси мақсади асосан ёлғиз қариялар, I ва II гуруҳ ногиронларининг оғириниенгил қилишга йўналтирилган бўлиб, ташкилот ва корхоналар, хўжаликлар, айрим тадбиркорларнинг саховатлари ҳисобига фаолият кўрсатади. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра, ҳар бир хўжалик, ташкилот ёки корхона хайрия тадбирларини ўтказиш мақсадида жамоаларда орттирилаётган фойданинг бир қисмини хайрия сифатида ажратмоқдалар. Ана шу маблағлар турли табиат неъматлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг каттагина улуши фирма томонидан муҳтож кишиларга етказиб берилаётир.

Яқинда «Ногирон» фирмаси фаолларининг саъй-ҳаракати билан яна бир фирма ташкил этилди. Ташкилотчилар яхши ният билан янги фирмани «Ўлмас ёдгорлик» деб атадилар. «Ўлмас ёдгорлик» фирмаси хайр-саховат ишларини амалга оширишдан ташқари кексалар ва ногиронларнинг тўй-томошаларини ўтказишни ҳам ўз зиммасига олди. Шунингдек, ёлғиз ногиронлар, қариялар бошига мусибатли ташвишлар тушган тақдирда дафн маросимларини ҳам фирма ҳисобидан амалга оширадилар.

«Ногирон» фирмаси томонидан ўтган йили 30 га яқин даволанишга муҳтож кексалар ва ногиронларга турли санаторий ва профилакторийларга, марказий тиббиёт масканларига йўлланмалар берилди. Ана шу даволаниш масканларига бориш учун ногиронларга йўл ҳақи ҳам тўланди.

Ҳар икки фирма фаоллари меҳр-мурувватга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий-маънавий ёрдамлар уюштириш, хаста қалбларига малҳам бўлиш нияти билан фаолият кўрсатмоқдалар.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ажаб савдолар

ТОШ БОСМАС БАҲОНАЛАР

Шароф Рашидов туманидаги «Гумбаз» қишлоғининг одамлари чўлга Бахмалнинг Узун, Обиз, Чувиллоқ каби қишлоқларидан кўчиб келишган.

Бу қишлоқни шу кунларда иккита нарса машҳур қилиб турибди. Бири асрлар силсиласига дош берган, ўртасида булоқ қайнаб турган Сардоба бўлса, иккинчиси, ўтган йили қишлоқ болаларининг мактабга ёппасига бормаганлигидир.

— Отинг нима, ўғлим? Бу йил қаерга мактабга борасан? — дея мактаб ёшидаги болакайни саволга тутдик.

— Отим Азамат, кузакда Обизга бориб ўқийман. У ерда мактаб яқин, — деди болакай сўзларини бурро-бурро талаффуз қилиб.

Мен туман халқ таълими бўлимининг мудири Холмўмин Шукуровга, у киши эса Азаматга тикилди.

— Йўқ, болам, сен Обизга бормайсан. Қишлоқларингдаги масжиднинг ярмини сизларга мактаб қилиб берамиз, — деди Холмўмин Шукуров хижолат бўлгандай жилмайиб.

— Ишқилиб бу йил ҳам алдамасаларинг бўлди, — деди қишлоқ мўйсафидларидан бири гапга аралашиб. — Ўтган йили сентябрда болаларимиз беш-олти кун туман марказидаги мактабга қатнади. Кейин хўжалик раҳбарлари машина жўнатишни тўхтатиб қўяқолдилар. Неча маротаба «Пахтаобод» ширкатлар уюшмаси раиси Мирзаҳамдам Ҳайдаровга учрашдик. Гоҳ бензин йўқ, гоҳ машина бузуқ, дея турли важларий қалаштириб ташлади. Туман ҳокимига арз-дод қилдик. Бироқ нафи бўлмади...

— Мен ҳам нима қилай? — деди халқ таълими бўлимининг мудири Холмўмин Шукуров. — Мирзаҳамдам Ҳайдаров билан ҳеч гапимиз гапимизга тўғри келмади. Туманимиз мактабларида кўплаб ибратли ишлар қилдик. Аммо мана шу қишлоқдаги 50 нафар ўқувчининг бир йил мактабдан қолиб кетганлиги юзимизни шувут қилди...

Гап кўп — кўмир оз. Катта йўл билан юрилса, «Гумбаз» қишлоғи туман марказидан 17 чақирим, даладан кесиб ўтилса, 9 чақирим келади. Бошланғич синф ўқувчилари ёзда чанг, қишда тиззадан лойга ботиб туман марказидаги мактабга қатнай олмаслиги ҳеч бир изоҳсиз кўриниб турибди. Биз хўжалик раҳбари Мирзаҳамдам Ҳайдаровни икки маротаба қидириб тополмадик. Учратганимизда «Раис бобо, қандай қилиб бутун бир қишлоқнинг болалари бир йил давомида мактабга бормади? Наҳотки, шундай йирик хўжалик кунига биттадан машина ажратишнинг иложини қилолмади», — деган саволларни бермоқчи эдик. Учрашмасак ҳам оталиқ ташкилот раҳбарининг жавобларини тахминан ҳис қиламиз. Ҳайдаров ёнилғини танқислигини, хўжалик иқтисодининг ночорлигини, болаларни мактабга олиб келишга фақат у эмас, шунингдек, Холмўмин Шукуров ва туман раҳбарлари ҳам бош қўшиши лозимлигини айтарди. Эҳтимол у бундан ташқари ўнлаб ўринли ва ўринсиз баҳоналарни ипга тизилган маржон доналаридек тизиб ташларди. Тўғри, бундай саналорликка халқ таълими бўлимининг раҳбарлари ҳам, хўжалик катталари ҳам, туман оқсоқоллари ҳам бирдай жавобгардир. Аммо саволни минг оҳангга солиб қўйганимиз билан баҳонаю важларнинг уч-қуйруғи кўринмайди. Бу раҳбарлар асосий айбдор деб бир-бирларини кўрсатишаверади.

Далил эса далиллигича қолади, яъни «Гумбаз» қишлоғидаги 50 нафар бола 1995-96 ўқув йилларида мактабга бормади. Бундай ҳунук ҳолга чиройли баҳоналар тўқиш, ўзини оппоқ, ўзгаларни айбдор қилиб кўрсатишни хуш кўрувчи тумандаги бир гуруҳ раҳбарларнинг масъулиятсизлиги сабабчи бўлди.

Хўш, бу йил аҳвол қандай кечаркин? Амал-тақал қилиб очилган мактаб бир-икки ойдан кейин яна ёпилиб қолмасмикин? Азамат ва унинг тенгдошлари олис Бахмалдаги қариндошларникига кетиб қолмасмикин? Вақт олий ҳакамдир. Вақт саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб ташлайди. Мана шу оддий ҳақиқатни тумандаги масъул лавозимли кишилар ёдда тутсалар бас.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ

ЛОЙИҲА ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЯПТИ

Бўстонлиқ тумани ҳокимлигидан Озодбош қўрғони, Худойбергенова номли кўчада истиқомат қилувчи оилалар номидан юборилган шикоят-ариза бўйича қуйидаги жавобни олдик.

Туман ҳокимлиги I-тоифали мутахассис К. Исмоилов ва Тошкент вилояти ихтисослашган пиллачилик жамоа хўжалиги раиси О. Саидғозиев билан биргаликда аризани ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Худойберганова номли 2-кўчада яшовчилар ер участкаларини олиб, уй қурғунга қадар пиллачилик жамоа хўжалигида ишлаб келган. Ҳозирги кунда ушбу ер участкаларини олганлар Чирчиқ шаҳрида ишлайди. Шунга қарамай пиллачилик жамоа хўжалиги раҳбарлари Ғазалкент газ идорасига хат билан чиқиб, ушбу аризада кўрсатилган кўчанинг лойиҳасини қонуний расмийлаштириб беришни сўраган. Ҳозирги кунда лойиҳалаштириш ишлари олиб борилмоқда. Унда Худойберганова номли кўча шу йилнинг охиригача газ билан таъминланиши кўзда тутилган.

Н. МИРЗАЛИЕВ,
Бўстонлиқ туман ҳокимининг муовини.

НЕФТЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Мамлакатимизнинг нефть маҳсулотларига бўлган мустақиллигини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоятида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, истиқболли конлардан ҳисобланган Аланг нефть конларида қидирув ишларини олиб бориш натижасида нефть конденсати олиш, қайта ишлаш, янги қудуқларни фойдаланишга топшириш жадаллашмоқда.

Геологлар, пармаловчилар, мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш ҳақида ҳам қайғурилмоқда.

«Саноатуйжойқурилиш» трестининг 15- ва 29-кўчма механизациялашган жамланмалари томонидан шу йил охиригача ўндан зиёд маъмурий, маиший, хўжалик иншоотлари, ҳар бири 150 мутахассиснинг истиқомат қилишига мўлжалланган 2 та ётоқхона қуриб битказилади. Бошқача айтганда, 50 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоясига етказилади.

Г. ПЎЛАТОВ.

ТЎРТКЎЛ ПАХТАСИ – ХОРИЖГА

Тармоқда энг пешқадам ҳисобланган Тўрткўл пахта тозалаш заводи жамоаси бозор муносабатлари талабига риоя қилган ҳолда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Шу боис хориждан кўплаб буюртма олинмоқда. Куни кеча янги ҳосил толасининг дастлабки туркуми Америка ва Швейцарияга жўнатилди. Энди навбат — Туркияга. Бу йил корхонада 40 минг тонна пахта қайта ишланади.

«СУВЖИҲОЗГАЗ» ҚК: ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ АСРАШДА ИШОНЧЛИ ШЕРИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

ширилган шланглардан 10-15 тун помидор, ошқўк ва гуллар остига тоза водопровод суви оқиб ётади. Одамлар ичимлик сувни тежаб ишлатиш ҳақидаги тинимсиз даъватларга қулоқ солмайдилар, пинак бузмайдилар. Демак, қуруқ даъвату панд-насиҳатлар билан тартиб ўрнатиб бўлмайди.

Нима, бу чигалликдан қутулишнинг сира иложи йўқми?

Бор. Бўлганда ҳам жуда жўн ва самарали. У иқтисодий негизга асосланган: сарф қилдингми — ҳақини тўлаб қўй. Аммо бунинг учун ким қанча сув ёки газ ишлатганини аниқ билиш керак. Буни эса счётчиклар аниқ «айтиб» беради. Бироқ адолат юзасидан айтиш керакки, счётчик ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Ундан аввало истеъмолчи манфаатдор бўлиши керак. Таъминотчилар учун эса у номақбул.

Буни битта аниқ мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. 16 август Янгийўлдаги кардио-неврология санаторийси директорининг эсидан чиқмайдиган кун бўлиб қолди. Кутилмаган воқеа Миродил Мирахмедовни довдиратиб қўйди. Гап шундаки, Янгийўлгаз ташкилоти санаторийга фойдаланилган газ учун 879.678 (саккиз юз етмиш тўққиз минг олти юз етмиш саккиз) сўм тўлаш ҳақида счёт тутқазди. Қаранг, санаторий 1996 йил январь-май, яъни 5 ойда шунча миқдорда газ ёқипти.

Аввалига бу қандайдир тушунмовчилик бўлса керак, деб ўйлашди. Баъзан шундай бўлиб туради, компьютер ҳам адашиши мумкин, ахир. Оддий одам ҳам бу рақамнинг ҳақиқатда тўғри келмаслигини идрок этади. Лекин амалда эса ҳаммаси айнан шундай. Юқоридаги рақамлар ортида икки ташкилот ўртасидаги нохуш муносабатлар ётибди. Бири газнинг ҳақини тўлаб қўйишни талаб этса, иккинчиси Янгийўлгаз ўзбошимчалик қилаяпти, деб ўйлаб, қатъий бош тортади.



Шу тариқа жанжал қучайиб борди. Янгийўлгаз июль ойи учун 57.046 сўмлик счёт тутқазди. Аммо бу пайтгача санаторийда счётчик ўрнатишга улгуришганди. У август учун ҳақиқий сумма — 20.528 сўмни кўрсатди. Фарқи — қариб уч баравар!

Хўш, юқоридаги «тўқ» рақамлар қаердан келди? Бу саволга жавоб жўн: газ таъминотчиси осонгина йўл танлаб, газ қувурининг йўғон-ингичкалигидан келиб чиққан ҳолда ҳақ талаб қилди. Бу ерда шуниси тутуриқсизликки, қиш ойларида қувурларда газ босими пасайиб, баъзан эса мутлақо ўчириб қўйилди. Лекин газ қувурининг ўлчами ўзгармай турарверди. Демак, санаторий ёқилмаган газ учун ҳам ҳақ тўлаши керак экан. Гарчи ҳар қанча оқил, тушунган одам бўлсангда, газни тежаб ишлатиш чораларини қўллаган бўлсанг-да, барибир қувурнинг йўғонлигига қараб пулни чўзавер.

Янгийўлгаз ташкилоти ҳеч нарсани тан олишни истамайди. Санаторий директори ҳам қайсар чиқиб қолди: ўз кучлари билан қувурларни қайта улашди. Беморларни совуқда қолдириб бўлмайдида, ахир.

Шундан сўнг санаторий директори тегишли ташкилотларга пайдар-пай хат ёзишга тушди. Қуйида унинг Янгийўлгаз ва Тадбиркорбанк бошлиқларига йўллаган хатидан парча келтирамиз: «Санаториямиз маъмурияти маълум қиладики, сизлар бизни мажбур этаётган тўлов талаблари мутлақо асоссиздир. Зеро, 1995 йил мобайнида биздан газ қувурининг йўғонлигига қариб ҳақ ундирдинглар, биз ўрнатган счётчиклаги рақамларга эса эътибор бермадинглар. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак 1995 йилда тўлаган маблағимиз 1996 йил учун ҳам етади...»

Хуллас, ёзишмалар асносида санаторий ҳам газ учун ортиқча тўланган пулларини қайтариб беришларини талаб қила бошлади. Ваҳоланки, сув ва газдан фойдаланиш учун аввалроқ счётчиклар ўрнатилганида эса бундай дилхираликлар юз бермаган бўларди.

М. Мирахмедов гап орасида счётчикни топиш ҳам муаммо эканлигини айтиб қолди. Дарвоқе, бу ҳам бир муаммо. негаки, аввал уни топиш, ўрнатиш, улаш керак. Кейин унинг ишлашини кузатувчи комиссияни ҳар беш кунда бир марта кутиб олиш лозим.

Ҳайриятки, энди бу муаммолар ўз ечимини топаётганга ўхшайди. «Сувжиҳозгаз» ўзбек-хитой қўшма корхонаси бу муаммони ортиқча уриниш ва ташвишсиз ҳал этиб бериши мумкин.

Қўшма корхонада тайёрланадиган турли русумдаги счётчиклар газ ва сувни икки-уч баравар тежаш имконини беради. Бу республика миқёсида қандай иқтисодий самара келтиришини ҳисоблаб кўриш қийин эмас.

Республика Коммунал хўжалиги вазирлиги қошидаги «Газавтоматика» ажратиб берган жойда қад ростлаган қўшма корхона зарур счётчикларни Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга киришди. Нафақат ишлаб чиқариш жараёни, балки қар бир қисмнинг сифати қатъий назорат остига олинган. Шу тариқа счётчикларнинг пишиқ-пухталиги ҳам таъминланади. Ўлчов ускуналари замонавий, ишлаб чиқариш технологияси юқори даражада такомиллаштирилган.

Завод тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлади. У хонадонларга ўрнатиладиган 2,5 русумдаги С4 (В классли) счётчикларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Булар асосан шаҳардаги газ қувурлари учун мўлжалланган бўлиб, уй шароитида газ сарфини ўлчайди. Ўзи енгил, коррозияга бардошли, ўлчашда янглишмайди, нархи ҳам кўтчиликка мақбул.

Юқорида ушбу счётчиклар газ ва сув учун тўланадиган маблағни тежайди, дедик. Буни рақамларда кўрайлик. Кўп қаватли уйдаги ҳар бир хонадон бир кечакундузда ўртача 9 куб метр газ ёқади. Шахсий ҳовли-жойида яшайдиганлар эса бироз кўп — 12,5 куб метр газ сарфлашади. Республика шаҳарларида кунига 5.762.000 куб метр ёки киши бошига 625 куб метр сув сарф бўлади.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Республикада 2 миллион 927 минг хонадон газлаштирилган бўлиб, уларда 17 миллиондан кўпроқ киши яшайди. Бу хонадонларда бир ойда 187 миллион куб метрга яқин газ ёқилади.

Республика шаҳарларида 7 миллион 775 минг аҳоли истиқомат қилади, уларнинг ҳаммаси тоза ичимлик сувдан фойдаланади. Энди ҳамма истеъмолчилар счётчик ўрнатган, дейлик. Ҳисобкитобларга қараганда, сув ва газ сарфи 2-3 баравар камаяди (дарвоқе, санаторийда юз берган ҳолат буни яққол тасдиқлади). Бунда оила бюджети ҳам тежалади. Энди шундай вазиятни кўз олдимизга келтирайлик: бутун оила аъзолари дам олиш учун жўнаб кетди. Бундай пайтда хонадонда сув ва газдан мутлақо фойдаланилмайди. Шунингдек, уйингизда вақтинча яшамаётган бўлсангиз ҳам сув ва газ учун пул тўлашга мажбурсиз. Агар счётчик бўлса... Бу ёғи маълум, албатта.

Муҳими шундаки, газ ва сувдан қанчалик тежаб-тергаб фойдалансак, табиий ресурслар келажак авлодга шунчалик кўп қолади.

Энди саноат корхоналари масаласига келсак, улар сув ва газни ҳаддан зиёд кўп сарфлайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига йўллаган шошилинчномасида шундай дейилади: «Бюджет ташкилотлари маблағларидан самаралироқ фойдаланиш, электр энергияси ва газ учун асоссиз равишда ҳақ тўлашга йўл қўймаслик мақсадида истисносиз ҳамма бюджет ташкилотларида 1 октябрга қадар газ ва электр энергиясини ўлчайдиган асбоблар ўрнатиш таъминлансин». Шунингдек, агар ушбу фармойиш белгиланган муддатда бажарилмаган бўлса, объектларни қишга тайёрлиги бўйича қабул қилинмаслиги қатъий кўрсатиб ўтилган. Счётчик ўрнатилмаган объектларга газ ва электр энергияси берилмайди.

Аммо бу масала эндигина қатъий қилиб қўйилмоқда, деб ўйламаслик керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил декабрдаёқ «Республика халқ хўжалигини ва аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилганди. Унинг бандларидан бирида 1994 йил 1 январгача газдан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, бунга рухсати йўқларнинг газини ўчириб-қўйиш, газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган корхоналарга газ беришни таъқиқлаб қўйиш кўрсатилган эди. Ўша пайтларда ҳақиқатан ҳам счётчикларни топиш муаммо эди.

Мана энди, «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонаси барпо этилгач, вазият тубдан ўзгарди. Бу газ ва сув ўлчагич асбобларини ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва ўрнатишга ихтисослашган дастлабки корхоналардан биридир.

Хитойлик шериклар Ўзбекистон Республикасида қонунлар асосида ўрнашаётган чет эл инвесторлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлардан фойдаланиб, ўз маҳсулотларининг сифати ва арзон баҳоси билан ўзбек бозорларини тез ўзлаштирдилар ва эгалладилар. Улардан чет эл инвесторларига яратиб берилган қулайликлар учун Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти шаънига кўп илиқ иссиқ гаплар эшитиш мумкин. Хитойликлар мамлакатимиздаги сиёсий барқарорликка, иқтисодий ислоҳотларнинг шаҳдам олимига тан бермоқдалар.

Ҳозирги пайтда хитойлик шериклар саноат учун газ ва сув счётчикларини ишлаб чиқаришни, технологик ҳужжатлар мажмуини, синаб кўриш ускуналари, бутловчи буюм ва қисмларни ХХРдан келтиришга тайёрланишни уюштирмоқдалар. Бунда улар даватнинг бир сўмини ҳам ишлатмадилар, қўшма корхонанинг фойдаси кифоя қилди. Хитойлик шериклар бу ердан капитал олиб чиқиб кетишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганлар. Аксинча, бу маблағдан шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида фойдаланишмоқчи.

Молиявий органлар бизнинг даватимиз учун жуда зарур ҳисобланувчи маҳсулот ишлаб чиқараётган ушбу қўшма корхона фаолиятини диққат билан кузатсалар ёмон бўлмасди. Бундай корхоналарга биринчи галда ёрдам бермоқ зарур. Чунки, улар тайёрлаб бераётган газ ва сув счётчиклари пировард натижада мамлакатимизнинг хомашё ва сув ресурсларини тежашга хизмат қилади.

Чет эл инвесторлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш шунчаки қуруқ гап эмас. У аниқ-тайин амалий иш билан мустаҳкамланмоғи лозим. Хитойлик шериклариинг миннатдорлик сўзлари фақат мулозаматтина эмас, балки бу аҳволнинг ўнгланишига ва Ўзбекистонга ҳали кўп фойда келтиришлари мумкинлигига ишонч ҳамдир.

И. ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Л. СПИРИДОНОВ,
«Народное слово» мухбири.

Ҳуқуқшунос минбари

ҚОНУН – МАМЛАКАТНИНГ АҚЛ-ИДРОКИ

Машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзак «Биз ҳеч нимани қонунни билганимиздек ёмон билмаймиз», деган эди. Бу қусур бугунги кунда ҳам кўплаб одамларимиз феъл-атворида яшамоқда. Қонунни мукаммал билмаслик айб, аммо била туриб унга амал қилмаслик ёки унга қасддан қарама-қарши бориш жиноятдир. Негаки қонунлар бу — мамлакатнинг ақл-идроки. Шу боис бутун бир халқнинг ақл-идрокига қарши бориб бўлмайди.

Мамлакатимиз мустақил бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган бугунги кунда эса қонунни билиш ва унга қатъий амал қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчига айланиши лозим. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мўътабар минбарлардан туриб, ҳамиша бир нарсани такрорлайди: «Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак!»

Таассуфлар бўлсинким, айрим фуқароларимизда қонундан кўра манфаат ва нафс балоси устунлик қилаяпти. Улар қиғир ишнинг қийиғи тўғрисидаги халқ мақолини, афсуски, кеч англяяптилар. Битъакс, Озод Юсупов мудофаага кўмаклашувчи Хоразм вилоят кенгаши раиси бўла туриб, жиноятга қўл урганлигини, яъни ўз мансабини суиистеъмол қилиб, давлатнинг катта маблағини ўзлаштириб юборганлигини қандай тушунса бўлади? У ўзига топширилган катта имкон ва имтиёзлар ўзанини бутунлай бошқа томонга — нафс йўлига буриб юборди. Озод Юсупов мазкур ташкилотнинг Хонқа тумани кенгашида ўзжалик ишлари мудири бўлиб ишлайдиган Мухторбек Собиров билан пинҳона — «бошни бошга қўйиб» гаплашади ва унинг жавобгарлигидаги аккумулятор, енгил автомашина эшиклари, қўлқоплар, тележка ва бошқа 60 турдан зиёд эҳтиёт қисмларни (жами 33 минг 340 сўм 90 тийинлик) иссиқхонага яшириб қўйишади. Аммо бу билан уларнинг кўнгли тинчимайди. Молларни янада бехавотирроқ жойга жойлаштириш ҳаракатида бўладилар. Ва охири шу жойнинг қоравуллари Х. Отажонов ҳамда Р. Машариповларга молларни юклатиб, «Хоразм» жамоа хўжалигида яшовчи ўз укаси Р. Каримовнинг уйига олиб бориб ташлайди.

Нафс йўлига кирган бандани-нг қўли тўртта бўлади, дейишади. Чунки у тўрт томондан ўзига «насиба» қидиради, худди чумолига ўхшаб топган нарсасини уйига ташийди. Шунча нарсани ўзлаштиргани етмаганидек, у Мухторбек Собировдан туман кенгашига таллуқли бўлган катта миқдордаги бензинни ҳам талон-торож қилади, ҳам ўзгаларнинг ризқига, ҳам давлат мулкига чанг солади. Терговчиларимиз бунинг барчасини рақамма-рақам исботлаб беришди.

Мақоланинг ушбу нуқтасига қадар ўқиган ўқувчи вилоятдаги катта бир ташкилотнинг катта бир раҳбари ё қонунни яхши билмайди ёки ўта гўл экан, деган мушоҳадага бориши мумкин. Аслида ундай эмас. Юсупов қонунни яхши билади ва у анойилик кўчасидан ҳам ўтмаган. Ўз қилмишларининг жиноят эканлигини англаган ҳолда-у юқоридаги молларнинг «дамини» чиқармасликнинг ҳаракатида бўлади. Ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик мақсадида бошқаларни ҳам жиноятга тортади. Юсупов талон-торож қилинган 33 минг 340 сўм 90 тийинлик камомадни қоплаш мақсадида ундан «камомадда кўрсатилган молларни қайта тикладим» мазмунида тушунтириш хати ёздириб олади. Шунингдек, у кенгаш ҳисобчиси В. Собиржоновага қалбаки накладной тўздириб, М. Собировдан 10 минг 290 сўм мол олинди деб ёздиради. Табиийки, накладнойга ўзи имзо чекади ва «ҳисобчи» деган ёзув тўғрисига кенгашнинг катта иқтисодчиси А. Карамишева, «олдим» деган жойга техник таъминот инженери И. Юсупов қўл қўяди.

Туя кўрдингми — йўқ!

Худди шунингдек, Озод Юсупов ўз қўл остида хизмат қилувчи ходимлар билан иккинчи сохта накладной ҳам тузади. Буниси талон-торож қилинган молларнинг бир қисмини Янгиариқ туман маиший хизмат уюшмасига бериш ҳақидаги ҳужжат эди. Яна ўша сохта жимжимадор имзолар қўйилади. Аммо улар «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашидан чиқим қилинмайди. Бу хатти-ҳаракатларнинг ҳамма-ҳаммаси М. Собировнинг камомадини қоплаш ва уни изсиз йўқотиш мақсадига қаратилганди. Ахир, еган оғиз уялар, деган гап бор.

Буларнинг барчаси Озод Юсуповга маълум эди. Чунки кенгаш тафтишчиси камомадни тўлиқ кўрсаттан. Аммо у тартиб-қоидага ҳам, қонунга ҳам зид борди. Собировга нисбатан вақтида чора кўрмади, тегишли органга хабар бермади. Натижада у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 241-моддасининг 1 ва 2-қисмларига дахлдор жиноятни содир қилди.

Хўш, энди айтинг-чи, бу ҳаракатларни қандай баҳоласа бўлади: қонунни билмасликми? Анойиликми? Ёки тасодифми? Зеро, бизнинг вазифамиз одамларни жиноий жавобгарликка тортиш эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш. Бироқ ҳар қандай одам, ким бўлишидан қатъий назар, юртбошимиз таъкидлаганидек, жиноят қилдими — жавоб бериши шарт!

Шу туфайли прокуратурамиз ходимлари Қонунлар, Фармон ва фармойишлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси бўйича мунтазам иш олиб бормоқдалар. Қонун бузилишларига нисбатан қатъий чоралар кўраяпмиз, англашмовчилик бор жойларда тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чоралари ҳақида»ги қарори бўйича касса интизомига риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказилди. Шу жараёнда туман нефть маҳсулотларини сақлаш корхонасида газна интизомига тўғри риоя қилинмаганлиги аниқ бўлиб қолди. Газначи М. Рўзметова 10798 сўм тушум пулини сал кам бир ой давомида банкка топширмасдан сақлаб турган. Шу туфайли тегишли моддалар бўйича бош ҳисобчи Ш. Раҳмонов ҳамда газначи М. Рўзметовалар устидан маъмурий иш қўзғатилди ва ҳар бири 2000 сўмдан жаримага тортилдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо текширувлар жараёнида яна бир факт аниқландики, натижада ҳали кўпчилик назорат идораларида ҳам қонунчиликни яхши билмаслик ҳоллари яққол кўриниб қолди. Хонқа тумани солиқ инспекциясида кўрилган ишлардан 8 таси қонунга хилоф эканлиги маълум бўлди. Жумладан, солиқ инспекциясининг турли муддатдаги қарорлари билан «Тошкент» фирма дўкони мудири Б. Қозоқов, «Шерзодбек» хусусий фирма бошлиги П. Болтаев, «Абдулла» фирмаси директори ва яна бир қатор савдо ходимлари касса пул тушуми режасини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси тартибида 2000 сўмдан жаримага тортилганлар.

Бу қарорлар эса амалдаги қонунларга, жумладан Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 175-моддаси 3 қисми талабига мутлақо зиддир. Чунки бу моддада касса пул тушуми режасини бажармаганлик учун эмас, балки касса операцияларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ваҳоланки, касса пул тушуми режасини бажармаган шахслар ўзлари ишлаётган идора маъмурияти томонидан Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазога тортилиши мумкин.

Хуллас, қонунни билмаслик ҳам ҳар хил кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Зеро, қонун — жамият ойнаси. Унда ҳар куни биз ўз ҳатти-ҳаракатимиз, фаолиятимизни кўриб, изга солиб туришимиз лозим. Токи мамлакатимизнинг ҳеч бир фуқароси адолатсизлик ва ҳақсизликдан, баъзида эса англашилмовчиликдан азият чекмасин.

К. РАЖАБОВ,
Хонқа тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Бу йил Зомин тумани ташкил топганига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан туманда бир қанча янги обеъктлар қуриб битказилди ва бир қанчаси қайта таъмирланди.

СУРАТЛАРДА: Зоминдаги Мустақиллик ёдгорлиги; ўйингоҳ қурилиши; Ўрда савдо марказининг кўриниши.
Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Бир хат изидан

КИМГА ҲОЛВА, КИМГА КАЛТАК

(Фельетон ўрнида)

Аслида, ҳолва «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалигининг луқмаи ҳалоли эди, начора. Асоссиз ёза-ёзлар, бўҳтонлар туфайли фермер хўжалигини остин-устин қилиб текширишди, хўжалик раиси Баҳром Пайшанов устидан эса жиноий иш қўзғашди. Лекин, ҳеч нарса ейилмаган, аксинча, элга, бева-бечораларга улашилган экан. Оқ-қорага ажралса-да, ҳануз турли ташкилотларга тадбиркор устидан иғвою бўҳтонлар уюштирилаяпти.

Бўка туманидаги бу деҳқон-фермер хўжалиги фаолиятининг ибратли жиҳатларини, республикамизнинг барча оммавий ахборот воситалари ёритган. Жумладан, «Халқ сўзи»да ҳам мақола чоп этилганди. Лекин на бирор газета, на радио, на телевидение ушбу хўжалик муаммоларини атрофлича таҳлил этиб бермади. Балки, бунга хўжалик раҳбари Баҳром Пайшановнинг камтар-камсуқумлиги, сабрли, босиқ, узоқни ўйлаб иш тутиши сабаб бўлгандир. Шунинг учун ҳам у киши дуч келган журналистга қўнгил дардини ёзмагандир. Эҳтимол, туман ҳокимлигидаги мутасаддиларнинг қоп-қоп ваъдаларига ишонгандир. Нима бўлганда ҳам, бу инсон ҳар хил гирромликларга, тирноқ остидан кир қидирувчиларнинг «эрқаликларига» бир неча йил чидади. «Худо инсоф берса, ўзларига келиб қолишар, менинг қилаётган ишларим қанчалик қонуний ёки ноқонуний эканлигини халқ, қоларверса, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги масъул кишилар кўриб туришибди-ку» дея, ҳар сафар ўзига далда берди. Лекин, афсуски, баъзи идораларни сохта маълумотларга ишонтирса бўлар экан. Ана шундай ёлғондан иборат ёзишмалар туфайли бинойидек ишлаб турган «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги аъзоларининг тинчи бузилди. Воқеа шу даражага бориб етдики, давлатга мўмайгина даромад келтираётган хўжалик фаолияти, «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси ва Бўка тумани ҳокими томонидан тўхтатилди. Хўжалик раиси Баҳром Пайшанов устидан жиноий иш қўзғатилди.

Лекин республика прокуратурасида қонунни ҳурмат қилувчи, унга виждонан содиқ кишилар топилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада деҳқон-фермер хўжалигини янада ривожлантириш ва ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1991 йил 28 ноябрь Фармонига зид иш тутган жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилишининг 1993 йил 4 январдаги, қарори ва туман ҳокимининг шу асосда 1993 йили 12 мартда қабул қилинган хўжалик фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги фармойишини ноқонуний деб топдилар. Баҳром Пайшанов устидан қўзғатилган жиноий иш асосиз эканлиги маълум бўлди. Мана буни тасдиқлайдиган ҳужжат:

«Бўка тумани «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги, фуқаро М: Пайшановага:

Сизнинг аризангиз жойига чиқиб текширилганда, Бўка туман ҳокимлигининг 1993 йил 12 мартдаги «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланиб, унга туман прокурори томонидан протест келтирилди. Ушбу протест туман ҳокимлигининг 1993 йил 8 октябрдаги 395-сонли қарори билан қондирилиб, Сизнинг фермер хўжалигингиз қайта тикланди.

Турмуш ўртоғингиз Б. Пайшановга нисбатан қўзғатилган жиноий иш 1993 йил 15 октябрь куни, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли ҳаракатдан ётқизилди.

В. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиги
1993 йил, 12 ноябрь».

Адолат эгилди, аммо синмади. Лекин мамлакат Президенти Фармонларига зид иш тутиб, амалдаги қонунларни қўпол равишда бузган, мамлакатда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар ривожига айрича муносабатда бўлганлар эса сувдан қуруқ чиқишди. Уларга на моддий, на маъмурий жазо чоралари кўрилмади.

Шундай бўлса-да, ҳақ жойида қарор топганидан руҳланган Баҳром Пайшанов янги куч-ғайрат билан ишга киришди. Фермер хўжалигини қайтадан оёққа турғизди. Иқтисодий таҳлиллар асосида иш юритиб, тезда соф фойда орттира бошлади. Кўп ўтмай, «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги яна эл оғзига тушди. Хўжалик 1994 йилда Иркутск вилоятига бартер асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатиб, олинган даромад эвазига халққа 72 минг сўмлик хайри-эҳсон улашди. Тумандаги 13 та мактабга, 4 та болалар боғчасига, 3 та маҳаллага бир неча минг сўм ҳажмида моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайри-эҳсонлар Наврўз умумхалқ байрами кунлари арафасида уюштирилгани одамлар қалбида бир умр муҳрланиб қолди. Узоқ бир қишлоқдаги кичкина фермер хўжалигининг унча-мунча миллионер фирмалар қиёлмаётган катта ишларини эшитган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Миллий Олимпия қўмитаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қишлоқ хўжалик вазирлиги раҳбариятлари ва қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари Тошкент вилоят ҳокими ва Бўка туман ҳокими номига миннатдорчилик мактублари жўнатишди. Аслида, ишни фермер қилган бўлса-да, ҳокимларга айтилган ташаккурнома Баҳром Пайшановнинг руҳини кўтарди, яна ғайрат-шижоат билан эл-юрт маъмурчилиги йўлида бирни ўн қилишга тутинди.

Бугунга келиб фермер хўжалигида юз бошга яқин қорамол, 8 бош от, 160 бош қўй боқиляпти. Бинойидек гўшт-сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилаяпти. Лекин муаммолар ортса ортаяптики...

Вазирликларнинг ташаккурномасидан кайфияти чоғ бўлган туман ҳокими Р. Обидов 1996 йил 11 январдаги фармойиши билан «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалигига қўшимча 10 гектар ер ажратишга қарор қилган эди. Афсуски, ҳокимнинг қарори «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Ф. Фармонов учун жонсиз қоғоз бўлиб келяпти.

— Ҳокимлик фармойишини бажариш қўйи ташкилотлар, хўжаликлар учун мажбурий эмасми? — сўраймиз раисдан.

— Нима кўп, фармойиш кўп. Қайси бирини бажарамиз.

— «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалигининг фаолияти тўғрисида нима дея оласиз?

— Очиғи, Пайшанов билан келишмаймиз...

Ана шу келишмовчилик, «сен киму, мен ким» қабилидаги ғаразгўйлик туфайли фермер хўжалиги уч йиллдирки, раисдан ўз қонуний ҳаққи бўлган қўшимча ер майдонини ололмаяпти. Натижада, бугунга келиб, фермер хўжалиги мулки бўлган 6 бош тана фуқаро Т. Йўлдошев хонадонида, 20 бош буқа ва 7 бош тана «Тошкент» деҳқон-фермер хўжалигида, 8 бош сигир, 30 бош тана, 55 бош қўй, 4 бош от фуқаро М. Шоимов хонадонида ўзаро шартнома асосида боқиляпти. Нахотки буни ҳоким билмаса, деган андиша билан туман ҳокими қабулига кирамиз.

— Нима, энди битта фермерни бутун республикага байроқ қилиб кўрсатиш керакми? — дейди ҳоким.

— Ўз фермойишларингиз назорати билан қизиқасизми?

— Муовинларим шуғулланади.

— «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга қилинаётган тўсиқларга нима дейсиз?

— Бўлса бордир...

Тазйиқлар эса давом этяпти. Кўп йиллар хўжалик раиси лавозимида ишлаган, кишилар: «меҳнат ва уруш» фахрийси деб, нисбат берувчи М. Ҳайитбоев ана шундай тазйиқ ва ёзишмаларнинг ошкора ташкилотчисига айланди. У бугун илинган идорага бош суқиб, одамларни Б. Пайшановга нисбатан тезлаб, кишиларга «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдамларни рад этишликка ундамоқда. Лекин, моддий ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳам, туман халқ таълими бўлими раҳбариятининг ҳам бу беминнат ёрдамдан воз кечгилари йўқ.

Хўжалик раисининг туман ҳокимига итоатсизлиги, ҳокимликдаги мутасаддиларнинг эса масъуляятсизлиги, боқибеғамлиги оқибатида «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги тасарруфидаги чорва моллари учун тайинли молхона қуриш сароблигича қолмоқда. Биргина бу эмас, туман ҳокимининг хўжаликка 10 гектар ер ажратиш тўғрисидаги фармойиши қоғозда қолиб, вақтида ер берилмагач, «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалиги билан Бўка туман фермер хўжаликлари уюшмаси ўртасида «пахта хомашёси бўйича» 1996 йил 25 мартда имзоланган шартнома ўз кучини йўқотди.

Тўсиқлар шулардангина иборат эмас. «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлимидагилар ҳам фермер хўжалигига «ҳунар» кўрсатишяпти. Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 3 апрель Фармонида қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан олинган кредитларга устама фоизларни тўлаш 2000 йилнинг 1 январигача кечиктирилиши уқтирилган бўлса-да, банклагилар «Дилшод» деҳқон-фермер хўжалигига берилган 180 минг сўм кредитдан келишувга мувофиқ 66 минг сўм ушлаб қолиш ўрнига, 111 минг сўмлик ссуда пулини қайтариб олди.

«Пахтабанк» томонидан фермер хўжалигига 1996 йил баҳорида уруғлик, ёқилғи-мойлаш ашёлари, менерал ўғитлар сотиб олиш учун 30 минг сўм кредит берилганди. «Тадбиркорбанк»даги «ишбилармон»лар бу пулни ҳам кредит қарзи учун ушлаб қолдилар. Натижада хўжалик на тегишли уруғлик, на минерал ўғит олди, на техника ёллаб ишлатди. Хуллас, аросатда қолди.

Бўка туманида ана шундай гаплар. Кимдир эл-улус ризқи йўлида, тўкинсочинлик учун заҳмат чекаяпти, кимдир эса тирноқ тагидан кир қидириб, сувни лойқалатаяпти.

Тумандаги раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот органлари эса бу воқеаларни кўрса ҳам кўрмагандек сукутда. Бу сукут қачонгача давом этаркин?...

Шоҳиёр КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Акс-садо

ЖАМҒАРМА ТУЗИШ ТАРАФДОРИМИЗ!

Мустақил Ўзбекистонимиз нурли истиқбол сари, буюк келажак сари шаҳдам қадамлар ташламоқда. Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланиб, янгича шукуҳ, тароват касб этмоқда.

Президентимиз И. Каримов раҳбарлигида Ватанимизнинг ҳар бир жамоаси, фуқароси келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, меҳнат қилишмоқда.

Шундай жамоалардан бири бўлган Фахрийлар кенгаши давр талабига жавоб берадими?

Маҳалламизда 350 нафақахўр кексалик ғаштини суришмоқда. Улар Фахрийлар кенгаши иши сусайиб кетганлигини, маҳалладаги нафақахўр ва меҳнат фахрийлари билан алоқани узиб қўйганлигини, умуман таъсири сезилмаётганлигини афсус билан таъкидлашмоқда.

Ҳозирги шароитда моддий базаси бўлмаган жамоат ташкилотларидан яна нимани кутиш мумкин? Шунинг учун Фахрийлар кенгаши ўрнига жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳақиқатан ҳам, маълум бир иқтисодий асоси бўлган жамғармагина халқимиз кўзлаётган эзгу мақсадларга эришишда, нафақахўр ва меҳнат фахрийларимизни ёшларга раҳнамо, маслакдош бўлишида ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, нуроний оқсоқолларимизнинг битмас шижоат ва ғайратларидан фойдаланишда ҳам жамғарма имкониятлари зарур бўлиб қолади.

Самарқанд шаҳри «Улуғбек» маҳалласи оқсоқоллари:

Субҳонқул МУРОДОВ,
Ўлмас СУВОНҚУЛОВ,
Ғайбулло ТЕМИРОВ,
Баҳри САЛОМОВ,
Ражаббой МУҚИМОВ,
Худойберди ҲАҚБЕРДИЕВ.

VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR 1997 — 1998 ACADEMIC YEAR

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (THE USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE VISITING FULBRIGHT SCHOLAR PROGRAM FOR THE 1997 — 1998 ACADEMIC YEAR.
THE PURPOSE OF THE FULBRIGHT PROGRAM IS «TO INCREASE MUTUAL UNDERSTANDING BETWEEN THE PEOPLE OF THE AND
THE PEOPLE OF OTHER COUNTRIES».
THE FULBRIGHT PROGRAM PROVIDES EDUCATIOHAL EXCHANGE
EXPERIENCE THAT SHOULD ALSO BE OF INTRINSIC VALUE TO
THE RECIPIENT'S HOME INSTITUTION, ITS FACULTY, AND ITS STUDENTS.
GRANTS ARE MADE FOR A VARIETY OF SPECIALTIES, PRIMARILY IN ADVANCED RESEARCH AND UNIVERSITY LECTURING, AND ARE AWARDED
FOR PERIOD OF TWO TO TWELVE MONTHS.
TO BE ELIGIBLE FOR RECEARCH AWARD, ONE MUST HAVE
THE FOLLOWING QUALIFICATIONS: CITIZENSHIP OR PERMANENI RESIDENT
STATUS IN USBEKISTAN, A DOCTORATE OR EQUIVALENT PROFESSIONAL
QUALIFICATIONS AT THE TIME OF APPLICATION, ENGLISH LANGUAGE
PROFICICINCY, AND GOOD HEALTH.
APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE
AT THE UNITED STATES INFORMATION SERVICE (BUYUK TURON STREET,
41, TASHKENT, UZBEKISTAH; TEL: 33-35-81, 33-59-74, 33-70-96).
THE APPLICATION FORMS MUST BE RETURNED TO THE USIS TASHKENT
NO LATER THAN DECEMBER 27, 1996.
THE PRELIMINARY SELECTED CANDIDANES WILL BE INVITED FOR
INTERVIEWS. THE CANDIDATES FINALLY SELECTED IN THE U.S.A. WILL BE
NOTIFED LATER.

HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM

THE EMBASSY OF THE UNITED STATES OF AMERICA (THE USIS TASHKENT) ANNOUNCES THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSHIP PROGRAM FOR THE 1997 — 1998 ACADEMIC YEAR.
WINNERS OF THE HUBERT HUMPHREY FELLOWSIPS WILL TRAVEL TO THE UNITED STATES FOR A YEAR OF NON-DEGREE, COMBINED ACADEMIC
AND PROFESSIONAL WORK.
HUMPHREY FELLOWSHIP APPLICANTS SHOULD BE MID-CAREER
PROFESSIONALS IN LEADERSHIP POSITIONS WHO HAVE THE REQUIRED
EXPERIENCE/SKILLS, POTENTIAL FOR LEADERSHIP, AND COMMITMEHT TO
PUBLIC SERVICE.
FELLOWS SHOULD BE POLICY — RATHER THAN RESEARCH — OR
TECHNICALLY ORIENTED, WITH A MINIMUM PROFESSIONAL EXPERIENCE OF
FIVE YEARS.
PARTICIPANTS FROM ALL REGIONC OF THE COUNTRY ARE WELCOME TO
APPLY.
FELLOWSHIPS ARE GRANTED COMPETITIVELY TO PUBLIC — AND PRIVATE-
SECTOR CANDIDATES IN THE FIELDS OF:
COMMUNICATION/JOURNALISM,
PUBLIC POLICY ANALYSIS AND PUBLIC ADMINISTRATION,
ECONOMIC DEVELOPMENT,
FINANCE AND BANKING,
LAW AND HUMAN RIGHTS.
APPLICANTS ARE ASKED TO COMPLETE A COPY OF THE FORM AVAILABLE
AT THE UNITED INFORMATION SERVICE (BUYUK TURON STREET,
41, TASHKENT, UZBEKISTAN; TEL. 33-35-81, 33-59-74, 33-70-96).
THE APPLICATION FORM MUST BE RETURNTD TO THE USIS TASHKENT
NO LATER THAN OCTOBER 18, 1996.
THE STRONG CANDIDATES WILL BE INVITED TO ENGLISH LANGUAGE
TESTING ON OCTOBER 26, 1996, AND AT THIS TIME OF PRELIMINARY
SELECTION MUST HAVE A SCORE FROM THE TEST OF ENFLISH LANGUAGE
PROFICIRNCY (TOEFL) NO LOWER THAN 500.
RESULTS OF THE COMPETITION WILL BE CONVEYED TO WINNERS BY MID — MARCH 1997.

The 1997 Edmund S. Muskie Fellowship Program
The 1997 Freedom Support Act Graduate Fellowship Program
Opportunities for Graduate Study in the USA

The Government of the United States of America is pleased to annonce the 1997 Edmund S. Muskie Fellowship Program and 1997 Freedom Support Act (FSA) Graduate Fellowship Program. The Edmund S. Muskie and Freedont Support Act Graduate Fellowship Programs provide grants to citizens of the NIS contries. The Program are funded and supervised by the United States Unformation Agency. Recruitment foc the programs will be consucted by ACCELS, IIE7 IREX, and the Soros Foundation/OSI. These Fellowship offer the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fuelds:

Edmund S. Muskie/FSA Graduate Program: FSA Graduate Program only:
business adminsctration communication/journalism
economics library and informationm science
public administration public policy
law education administration

The Fellowship will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries who lack sufficient funding to enrool in master's degree-level programs at US institutions. Fellows will be enrolled in a US institution by the fellowship programs amd may not select their host institution. During their term of study, fellows must meet the academic standards and requirements of their US host institution. Fellows may have the opportunity to seek an eight to twelve-week summer internship for practical training in the field of specialization. Both degree and non-degree fellowship programs are available under the terms of the fellowchip and the laws governing the visa required for participation in the program, fellows must return to their home countries immediately upon completion of the program for a period of ft least two years. Fellows may not continue for PhD or other studies and are not eligible for extended practical training or employment in the United States.

Competition for the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs is merit-based and open to any individual who meets the specific criteria. Candidates may only apply for one program. Individuals who apply for more than one field of study or who apply for both the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs will automatically be disqualified, and neither application will be considered. Additionally, applicants must:

* lack sources of fonding to study at a US institution;
* under the age of 40 at the time of application deadline;
* hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1997;
* be proficient in spoken and written English at the time of application;
* be able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization;
* be able to begin study in the United States in summer 1997.

Participation in the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs is contingent upon the ability to receive and maintin a US visa. The following individuals are not eligible to apply:

* spouses of US citizens;
* individuals currently enrolled in academic, training, or research programs outside the participating countries;
* individuals who have spent four or more consecutive months outside fifteen participating (Muskie) or twelve participating (FSA) countries since June, 1995. This includes people who have taken part in academic, training, internship, or research programs lasting four or more consecutive months, as well as individuals who have worked outside the participating nations for four or more consecutive months;
* individuals who have applied for an immigrant visa or political asylum to any contry.

The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the application. Applications may be obtained in person or by writing to one of the advising centers or representational offices below. Applications must be in English and must be returned to one of the advising centers or representation offices listed below by Novemder 15, 1996. Late or incomplete applications will not be considered.

Selection will be made on the basis of academic excellence, knowledge of English, professional aptitude and leadership potential in the field of specialization. Teams of US specialists will review complete applications and prepare a list of semi-finalists to be tested and interviewed as part of the selection process. All semi-finflists will be required to take TOEFL. Semi-finalists may also be required to take other examinations depending on the program for which they are applying. The cost of all tests for semi-finalists will be covered by the Muskie or FSA Graduate Fellowship Programs.

ACCELS Main office:
16-A Lakhuty St., Room 716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel: (3712) 56-55-47.

IREX Office:
6 Navoi St., Room 2
Tashkent, Uzbekistan
Tel: (3712) 41-59-97.

ACCELS Educational Advising Center:
80 Uzbekistan St.,
2nd Floor, Room 210
Tel/fax: (3712) 45-80-56.

Bukhara Branch of ACCELS:
Art Museum Building
B. Nakshbandi St.,
Bukhara, Uzbekistan
Tel/fax: (36522) 4-22-46.

Samarkand Branch of ACCELS:
15 Universitetskiy St.,
Dept. of Quantum Elec.
Samarkand, Uzbekistan
Tel/fax: (3662) 35-66-98.

Nukus Branch of ACCELS:
3 Karakalpakstan St.,
1 st Floor, Nukus
742000, Karakalpakstan
Tel/fax: (36122) 4-28-61.

Namangan Branch of ACCELS: 4 Mashrab St., 4th Fl., Rm 421, 422, Namangan, Uzbekistan, Tel: (36922) 6-27-50.

Бунақаси ҳали бўлмаган!
14 мамлакатдан 70 қатнашчи
18 тақдимот ва семинар

elcom 96 Asia
elcom 96 Office

Official sponsors:
ABB MOTOROLA

1996 йил 1 октябрдан 4 октябргача
ЎзЭкспоМарказ Тошкент

Ўрта Осиёда йирик тадбир - энергетика, компьютер техникаси, телекоммуникация ва офис жиҳозлари III халқаро кўргазмасига хуш келибсиз!
Жаҳон бозорининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ўзларининг энг янги технология ва маҳсулотларини намойиш қилиш ниятида шу ерга тўпланишди.
Тошкентда мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг!

Сизга барча қулайликларга эга бўлган автобуслар "Мустақиллик" метро бекатидан кўргазмагача ва яна орқага қайтишга бепул хизмат кўрсатади.

Иш вақти:
соат 10.00 дан - 18.00 гача.

ЎзЭкспоМарказ
Тел.: +7-3712-344545
Факс: +7-3712-358330

Тошкентда фэртрейд ваколатхонаси:
Тел.: +7-3712-55-38-30,31-22-93
Факс: +7-3712-55-38-30,34-15-93

ташкилотчи
fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

Ҳамкорлик

НЕМИСЛАРНИ ЎҚИТГАН ОЛИМ

Тўқсон учинчи йил ёзи охирлаётган кезлар эди. Хоразмлик ёш олим Отабой Жуманиёзов Берлиндаги Гумбольдт университетидан хат олди. Университет мутасаддилари уни немис талабаларига ўзбек тилидан дарс беришга таклиф этишганди. Отабой немислар диёрида кечган ўқув йилларини, дўстларини, маҳобатли Лейпциг шаҳри оромгоҳларини эслади.

Етмишинчи йилларнинг охирларида Лейпциг университети аспирантурасида таҳсил олиб немис тили фанини чуқур ўрганган, шу ерда илмий иш ёқлаб фан номзоди даражасига эга бўлган эди. Устози, шу университет профессори Флайшер очиққўнгил, шогирдларига гамхўр инсон эди. Ўзбекистон, Хоразм тарихидан кўп нарса билар, жаҳон фани тараққиётига катта ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Журжонийлар диёрилан келган бу йигитга алоҳида меҳр билан қарарди.

Урганч давлат университети немис тили кафедраси мудири, доцент Отабой Жуманиёзовни немислар диёрида яхши таниб қолишганди. Лейпцигдаги бообрў «Ваймер» нашриёти 1991 йилдаёқ унинг «Гуноҳ ҳалдаси» китобини чоп этган, немис китобхонлари ўзбекистонлик Насриддин Афанди латифаларини ўз тилларида ўқиб жуда мамнун бўлишганди. Тез орада бу китобни дўконлардан топиб бўлмай қолди. Орадан бир йил ўтгач, Мюнхендаги «ВТВ» классик нашриёти китобхонлар талабини ҳисобга олиб уни иккинчи марта нашр этди.

Ўзбекистон мустақиллиққа эришган дастлабки йиллан бошлаб Жуманиёзов республика олий ўқув юртлари учун немис тили дарслиги китобини ёзиш, уни босиб чиқариш хусусида қайғура бошлади.

Тўғри, бундай дарсликлар бор эди. Лекин уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини билмайдиган чет олимлар тайёрлашган бўлиб унда бу диёр адиблари, алломалари, мазнавияти, тарихи ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ эди.

Шу тариқа ёш олим олий ўқув юртлари талабалари учун немис тили дарслигини тайёрлашга киришди. У бу ишга кафедра муаллимлари — фан номзоллари Роҳатой Оллаёрова, Ҳожарбиби Исмоиловаларни ҳам жалб қилди. Таниқли тилшунос олим, фан доктори Отаназар Мадраҳимов йўл-йўриқ, маслаҳат бериб турарди.

Китобни ёзишга пухта тайёргарлик кўришди. Отабой ака кўп кунларни кутубхоналарда, адабиётшунос олимлар даврасида ўткизди. Навоий, Огаҳий, Феруз, Нажмиддин Кубро асарларини ўрганди. Уларнинг ҳаёти билан боғлиқ кўпгина ривоятларни ёзиб олди. Ҳозирги давр ўзбек адабиёти намояндалари ижодилан намуналар олинди. Шу тариқа ўзбек адабиёти намуналари, халқ оғзаки ижоди асосида ихчам, мазмунли немис тили дарслити тайёр бўлди.

Уч йил мўқаддам «Немис тили дарслиги» деб номланган бу китоб Самарқанд босмахонасида чоп этилди. Олимлар дарслик ҳақида тақриз ёзиб, у немис тилини мукаммал ўргатишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидладилар. Бу йил мазкур дарслик «Ўқитувчи» нашриёти томонилан қайта нашр қилинмоқда.

...Хоразмлик ёш олимни Гумбольдт университетида илиқ кутиб олишди.

Немис ёшлари илмга чанқоқ, зеҳнли, қизиқувчан бўларкан. Ўзбек тилини ўрганувчилар гуруҳи талабалари олис Хоразмдан келган ёш олим билан тезда эл бўлиб кетишди. Кўпинча дарсдан кейин ҳам уни ишлаб келишар, Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрашарди.

— Ўзбеклар жаҳон фани, маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган зукко, очиққўнгил халқ, — ҳикоя қилади. Отабой ака ички бир фахр билан. — Биласизларми, бизнинг Навоий бобомиз биттан ғазалларни бутун дунё ҳозир ҳам севиб ўқийди. Юртимиздан етишиб чиққан буюк олим Ал-Хоразмий ўрта асрлардаёқ ал-жабр илмига асос солган, Ал-Беруний олам сирларидан воқиф бўлган. Эшитгандирсизлар, Кўҳна Урганч деган шаҳарни. Бу ерда XIII асрларда жаҳон олимларининг Маъмун академияси бўлган.

Немис талабаларининг ҳайратлари ошиб борар, жаҳонга буюк даҳоларни етказиб берган ўзбеклар диёрига меҳрлари ортарди.

— Жаноб Отабой Жуманиёзович, мен сизнинг юртингизни гойибона яхши кўриб қолдим, — деди кунларнинг бирида талаба Штефан Хоринг, — курсдошим Мила иккковимизда ўқишнинг қолган қисмини Урганч университетида давом эттириш истаги тугилди.

— Юртимизга бўлган ҳурматингиз учун раҳмат, Штефан. Лекин бизда отларни кечувда алмашмайдилар, деган нақл бор, — деди Отабой. — Ўқишни тамомлашларингизга жуда оз вақт қолди. Маслаҳатим ўқишни шу ерда тамомланглар. Кейин биз томонларга боравергинглар, аспирантурамиз бор.

Орадан кўп вақт ўтмай таниқли олима, фан доктори Зигрид Клай Михэл хоним унга гапириб қолди:

— Отабой Жуманиёзович, кеча университет илмий кенгаши бўлди. Кенгаш немис олий ўқув юртларида ўзбек тилини ўқитиш дарслигини яратиш ва уни шу ерда босиб чиқариш тўғрисидаги фикрингизни тўла маъқуллади. Энди ишга киришаверинг.

— Дарсликни биргаликда ёзамиз, — деди Отабой ака, — сиздай немис тилининг билимдони билан ҳамкорликда дарслик яратиш катта бахт.

— Ихтиёрингиз. Сизнинг элингизга, тилингизга меҳрим зўр, — дея жавоб қилди Зигрид хоним.

Немислар диёрида бошланган ҳамкорлик Хоразмда давом эттирилди. Зигрид хоним ҳам Урганчга келди. У тўй-маросимларда, сайил-томошаларда немис китобхони учун қизиқарли воқеалар, сўзларни ахтарарди. Узоқ изланишлардан сўнг китоб тайёр бўлди. 26 босма тобоқдан иборат бу дарслик Германиянинг йирик «Харрасовинд» нашриётида чоп этилди. Унинг муқоваси Ўзбекистонга хос расмлар билан безатилган эди.

Китобга дунёга танилган йирик олимлар тақриз ёзишиб, бу дарслик ўзбек-немис тилшунослиги тарихида катта воқеа эканлигини қайд этишди. Эндиликда бу китоб немислар диёридагина эмас, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳам ўзбек тилини ўрганишга ихлос қўйганларнинг яқин маслаҳатчиси, қадрлон ҳамроҳи бўлиб қолди. Яқинда Зигрид хоним Урганчга қўнгироқ қилиб, Отабой Жуманиёзовга китобнинг иккинчи нашрига тайёргарлик кўрилаётганини хабар қилди.

Султон НОДИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири,
Ойбек РАҲИМОВ «Халқ сўзи» мухбири.

1996 йил — Амир Темур йили

ҚАРИЙБ 500 САҲИФАЛИ АСАР

Араб олими Мазҳар Шиҳобнинг «Темур» номли йирик китоби соҳибқирон ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаган бўлиб, бутун дунё олимлари томонидан яратилган фундаментал тадқиқотлардан бири, десак муболаға бўлмайди.

1981 йилда Байрут (Ливан)даги ал-Қуддийс Юсуф дорилфунуни томонидан ўқув қўлланмаси мақсадида нашр этилган бу йирик тадқиқотни муаллиф халқаро фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим қилган.

Тадқиқот ўзида мужассам қилган фактик маълумотлар ғоятда бой ва ранг-баранг, иккинчи томондан, муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир деярли барча масалалар бўйича ўша давр тарихнависларининг биринчи марта илмий истеъмолга киритилган асарларига асосланиб фикр юритган.

Қарийб 500 саҳифани ташкил қилувчи асар таркибий жиҳатдан кириш (муқаддима), Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ бўлган муҳим саналар ва воқеалар тартиби, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврига оид жуғрофий хариталар ва хилма хил суратлардан иборат. Ҳар бир қисмдан кейин фойдаланилган адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди.

САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Самарқандда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кикбоксинг бўйича биринчи халқаро турнир байроғи кўтарилди.

Мусобақада республикамиз ва хорижий мамлакатлардан 150 нафар спортчи қатнашмоқда. Турнирни ўтказиш учун халқаро тоифадаги ҳакамлар, шунингдек, Жаҳон кикбоксинг ассоциацияси президенти Э. Фальсони (Италия), Евроосиё федерацияси раиси А. Чистов (Украина) ташриф буюрди.

Мазкур мусобақанинг бу ерда ўтказилаётгани бежиз эмас. Зеро, Самарқанд Жаҳон кикбоксинг ассоциацияси, шунингдек, Шарқ якка кураши ва қўл жанги федерацияси аъзосидир. Бу ерда кикбоксинг ва тайбоксинг бўйича кўпгина тажрибали курашчилар етишиб чиққан. Улар жаҳон, Европа, МДҲ биринчиликларида муваффақиятли қатнашиб, бир қанча олтин ва кумуш медаллар соҳиби бўлган.

Халқаро мусобақа доирасида жаҳон ва Европа чемпиони унвонини олиш учун беллашувлар ҳам бўлиб ўтади.

(ЎзА)

Наманган шаҳрининг «Марғилон» кўчасида қад ростлаган «Оталар оромгоҳи» фойдаланишга топширилди.
СУРАТЛАРДА: очилиш маросими тантаналари; оромгоҳнинг кўриниши.
Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

Мавзуга қайтиб...

ОТИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ ЮТУҚЛАР

ёки лотерея ўйинининг ғалваси хусусида...

Муштарийларимизга яхши маълумки, газетамизнинг шу йил 14 август сонида «Келгани йўқ, келса, берамиз» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Мақола мактублар асосида тайёрланган бўлиб, унда «Мустақиллик», «Совға» пул-буюм лотереяларининг ўйналганига бир йил бўлишига қарамай ютуқ ўз эгаларига етиб бормаганлиги ҳақида ҳикоя қилинганди.

«Во, ажабо!» рукни остида берилган ушбу танқиддан тегишли идора ва ташкилотлар тўғри хулоса чиқаришиб, муаммоларни атрофлича ҳал этади ҳамда бу ҳақда бизга хабар беради, деган умидда эдик.

Афсуски, умидимиз пуч бўлиб чиқди. Мақолада келтирилган фактлар юзасидан қониқарли жавоб ололмадик. Биз мутасадди раҳбарлардан жавоб кутиб, худди ёз чилласидан қор кутгандек ҳомтама бўлган эканмиз. Мана, мақола эълон қилинганига ҳам қарийб икки ойдан ошди. Улар эса ўзларига «Шунча одамни лақиллатиб пулини олаяпмизу, сизлар ким бўлибсизлар», деган хаёлга боришган шекилли, лоақал бир энлик қоғозни қоралаб бизга жўнатишни ҳам ўзларига эп кўришмаяпти. Тўғри, Андижон вилоятидаги Андижон хўжалик-маданий моллари базаси акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Т. Бобометов имзоси билан бир хат олдик. Аммо у бизни қониқтиралиган даражада эмас. Ўнда Т. Бобометов база раҳбариятининг бу ишларда ҳеч қандай айби йўқ эканлигини исботламоқчи бўлган, холос. Ҳақиқатан ҳам, ютуқларнинг ўз эгаларига етиб бормаслигида Андижон хўжалик-маданий моллари базаси акциядорлик жамиятининг алоқаси йўқ. Шунинг учун ҳам биз Сурхондарё вилоятининг Денов тумани бўйича танқидий фикрга ҳеч бир жавоб келмасада, уларни тилга олиб ўтирмадик. Биз сурхондарёлик мутасаддиларининг жавобини ўзимизча тахмин қилиб қўя қолдик: «Келгани йўқ, келса, берамиз». Чунки юқорида зикр қилинган жавоб хати ҳам худди ана шу мазмун-хулосани беради. Мана у:

«1995 йил «Мустақиллик» пул-буюм лотереясига Андижон вилояти бўйича чиққан ютуқларни қабул қилиб олиб, эгаларига тарқатишни «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг қарорига асосан Андижон хўжалик-маданий моллари базаси акциядорлик жамияти вакил этиб тасдиқланган эди. Шунга кўра, «Ўзматлуботсавдо» ассоциацияси билан Андижон хўжалик-маданий моллари базаси акциядорлик жамияти ўртасида шартнома тузилганди. Шартномада ютуқ моллари «Ўзматлуботсавдо» ассоциацияси белиланган ассортимент, баҳоси ва миқдори бўйича бизга — Андижон хўжалик маданий моллари базаси акциядорлик жамиятига ўз вақтида етказиб бериши керак эди. Биз эса ўз навбатида уларни ўз эгалари қўлига топширишимиз лозим эди.

Ҳозиргача уларнинг кўпи етиб келгани йўқ. Масалан, баҳоси 1420 сўм бўлган 24 дона тебраттичли девор соати, баҳоси 9500 сўм бўлган 51 та деворий шкаф тўпламидан 31 донаси, баҳоси 6500 сўм бўлган 170 та ошхона мебели тўпламидан 110 донаси бизгача етиб келмаган. Бу, албатта, ютуқ эгаларини қаттиқ ранжитмоқда. Ютуқларнинг келишини тезлаштиришни талаб қилиб ёзган хатларимиз «Ўзматлуботсавдо» ассоциацияси томонидан жавобсиз қолиб кетмоқда. Начора, шундай қилиб ютуқлар ҳали келгани йўқ, келса, албатта эга-эгаларига етказиб берамиз.

Т. БОБОМЕТОВ, Андижон хўжалик-маданий моллари базаси акциядорлик жамияти бошқаруви раиси».

Демак, бу масалада «Ўзматлуботсавдо» ассоциацияси асосий «қаҳрамонимиз» бўлиб чиқаяпти.

Эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман, Фикр қилинг, биргина Андижон вилояти бўйича шунча ютуқ ўз эгаларига етиб бормаган бўлса, республика миқёсида унинг ҳисоби қанча бўлар экан? Нима учун ютуқ эгаларига етиб бормаяпти? Хўш, бу сансанорликларга ким сабабчи ўзи? Ё бундан кимлардир манфаат тоғаяптимикана?..

Мен шу каби саволлар билан бўлиб, бош чангаллаб ўтирганимда таҳририятга келган мактубларни расмийлаштирувчи ходимимиз бир хатни олиб келиб столим устига қўйди ва «Мана сизга яна битта ютуқ — «Келгани йўқ, келса берамиз», — деди у киноя жилмайиб. Хаёллар оғушида олдинига у нима деяётганини дурустроқ англамай қолибман. Сўнг: «Ия, йўғ-е, нахотки...» — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Хатни тезроқ олиб ўқишга ўтундим.

«Мен Андижон вилояти, Марҳамат туманининг Қорақўрғон қишлоғида яшовчи оддий бир ўқитувчиман, — дейилади унда. — Турмуш ўртоғим шофёр, тўрт нафар фарзандимиз бор. Ғанни лўнда қилиб асосий мақсадга ўтадиган бўлсам, ўтган йили, яъни 1994-95 ўқув йили давида маош олаётганимда ҳисобчиларимиз менга 2 дона лотерея беришувди. Албатта, унинг ҳақи ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинганини ҳам таъкидлашувди. Бундан мен бироз ранжисам-да, «Ҳай, майли кўпга келган тўй-да, ҳаммага беришаяпти-ку», деб ўзимни ўзим овунтирдим. Кейин билсам, ушбу лотерея «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан жорий қилинган экан. Орадан 3-4 ой ўтмасданоқ унинг тиражи ўйналгани ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим. Истар-истамас «Наврўз» лотереясининг ютуқ тиражи босилган газетани олиб рақамларига кўз югуртирдим. Не кўз билан кўрайки, ҳалиги лотереяларнинг бирига 9 минг 500 сўм турадиган ажойиб мебель комплекти чиқди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Оила аъзоларимиз сунончинг эса чек-чегараси йўқ эди.

Афсуски, орзуларимиз, ниятларимиз саробга ўхшайди. Лотереяга чиққан ютуғимиз мана бир йилдан ошибдики, ҳали-ҳамон оғзимизда юрибди, холос. Уни олиш учун бормаган идорамиз, кирмаган ташкилотимиз қолмади. Кимга борсак, «Ютуқлар Тошкентдан вагонларга ортиб келинади, кутинглар», дейишади. Қачонгача кутиш керак, ахир? Ундан бери орадан нечта «Наврўз» байрами ўтиб кетди. Айтинглар-чи, энди биз нима қилишимиз керак? Тошкентга, лотерея ўйинини ташкил қилган кишиларга боришимиз керакми? Ёки оти бору ўзи йўқ бу матоҳлардан умид қилмасак ҳам бўладими?

Назира ҚОДИРОВА,
Марҳамат тумани,
У. Қорабоева номли жамоа хўжалиги».

Бу ёғи қизиқ бўлди-ю! Яна Андижон хўжалик-маданий моллари базасини айбдор санаймизми? Ёки «Ўзматлуботсавдо» ассоциацияси бош директори М. Зокировга «қаҳрамон»лиги учун миннатдорчилик билдирамизми? Ҳайронман, «Наврўз» пул-буюм лотереясини чиқарган мутасадди раҳбарларга нима бўлди экан? Ё улар ҳам мингминглаб чиқарилган бу лотереянинг қаёққа кетганини, кимлар харид қилишганини аниқлашолмаяптимикан? Бўлса бордир. Негаки, ҳамма жойда, ишхона-ю, дўконларда ҳам қайтим ўрнига ёки бирор харидоргир молга қўшимча сифатида уни мажбуран сотишувди-ку?! Ҳатто баъзи-бировлар бундан оғринувди. Шунинг учун ютуқ эгаларини тўғри тушуниш керак. Лекин, лотерея ўйинини ташкил қилаётганларни қандай тушуниш мумкин? Эл ишончини оқлолмаган бундай галванинг кимга кераги бор!..

Ўзбекчиликда уят ўлимдан қаттиқ, деган гап бор. Менимча, буни тегишли ташкилот раҳбарлари тўғри англашётган бўлса керак. Хўш, энди улар нима деб жавоб йўллашар экан. Қани, кўрамиз.

Ўктам ДЎСТЁР,
«Халқ сўзи»нинг хатлар, шикоят ва оммавий ишлар бўлими шарҳловчиси.

ПРОФЕССОР ЛУТФУЛЛАЕВНИНГ КАШФИЁТЛАРИ

1941 йилнинг оғир кунларидан бирида ургутлик Лутфулло ака хонадонида ўғил туғилди. Яхши ният билан унга Умрулло деб исм қўйдилар. Ўша пайтларда урушдан илк даҳшатли «қора хат»лар қуюндек бостириб келар, одамлар жуда зада бўлиб қолган эди. Ҳали ақли кирмасдан туриб, очлик нима эканлигини англаган гўдак жуда тез улғаяди. Онасининг, «қишлоғимиздаги дўхтир урушга кетган, шунинг учун болалар касал бўлиб, ўлиб кетишяпти» деб айтган сўзларини эшитганда, бола идроки билан дўхтир барча дардга нажоткор, деб тушунган, улғайгач албатта, шифокор бўлишга қатъий аҳд қилганди.

У Самарқанд давлат тиббиёт институтини битиргач, Ургут туман поликлиникасида иш бошлади. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари кафедрасида ўқишда бўлиб, бу соҳанинг барча сир-асрорларини янада чуқурроқ ўрганди. Профессор Ладижинскаянинг барча операцияларида қатнашди. Ургутга қайтиши билан поликлиникада лор кабинети ташкил қилди. Шу йили туман тарихида биринчи томоқ операцияси амалга оширилди...

Шу пайтларда туман аҳолиси ўртасида қучайиб кетган сил касалликларининг олдини олиш мақсадида вилоят бўйича кўчма коллегия ўтказилди. Ёш шифокор ушбу йиғилишда сўзга чиқиб, туман асосан тамаки етиштиришга ихтисослашгани туфайли сил касали билан бирга нафас йўллари, хусусан томоқ, бурунда ҳам турли хасталиклар кўпайгани, шунинг учун қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволовчи алоҳида бўлим очиш зарурлигини дадиллик билан гапирди. Йиғилишдан сўнг вилоят раҳбарларидан бири уни ёнига чиқари суҳбатлашди. Унинг ёрдами туфайли туманда қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволаш бўлими очилди, замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Орадан йиллар ўтиб, 1978 йилнинг баҳорида Москва шифокорлар малакасини ошириш институти қошидаги илмий кенгашда «Тамаки билан ишлайдиган кишиларнинг юқори нафас олиш йўллари, ички қулоқда бўладиган паталогик ўзгаришлар ва уларни даволаш, олдини олиш йўллари» мавзуида номзодлик диссертацияси ни ёқлади. Унга Москвада қолиб ишлашни таклиф қилишди. Лекин у Ургутга қайтиб дастлаб ўзининг бўлимида ишини давом эттирди. Кейинчалик Ургут шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, туман касалхонаси бош шифокори вазифаларида ишлади. Изланишлари, тадқиқотлари натижаларини қиёслаб илмий рисола ва мақолалар ёзди. 1985 йилда Москва шифокорлар малакасини ошириш институтининг докторантурасига ўқишга кирди. Уч йилдан сўнг Украина марказий илмий-текшириш институтининг илмий кенгашида «Қулоқ, бурун ва томоқ аъзоларида учрайдиган ўсма касалликларининг олдини олиш ва даволаш усуллари» деб номланган докторлик ишини ҳимоя қилди. Илмий иши раҳбари, профессор, Москва шифокорлар малакасини ошириш институти лор кафедрасининг мудири В. Погосовнинг илтимосига биноан бир йил ўша институтда ишлади. 1989 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб эса Самарқанд тиббиёт институти 1-клиникаси лор кафедрасида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Профессор Умрулло Лутфуллаев жарроҳлик илмида ўзига хос мактаб яратган. Қулоқ, бурун ва томоқда учрайдиган ўсма касалликларининг олдини олиш, уни жарроҳлик йўли билан даволашнинг янгича усулларини кашф қилди. Энг асосийси, ўсма олиб ташлангач, кесилган қисмини тикишнинг ўзига хос самарали усулини татбиқ қила бошлади. Қизил ўнгачда учрайдиган ўсма хасталигини даволаш борасидаги тажрибалари уни республика тиббиёт оламида анчагина машҳур қилди.

Олимни жўда кўп муаммолар ўйлантиради. Клиника эски бинога жойлашган, қайта таъмирлашга муҳтож. Операция хонаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Ўсма касаллиги билан оғриган беморлар учун икки-уч кишилик палаталар зарур. Бугунги кунда бўлимда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Жиззах вилоятларидан келган беморлар ҳам даволанмоқда. Касалликларни даволаш, вақтида олдини олиш учун янги даво усулларини ўйлаб топиш, янги кашфиётлар устида изланиш, шарқ табобатини тинмай ўрганиш керак бўлади. Яна олимнинг эътироф этишича, кимки ўз юртини чин дилдан севса уни ўзининг ҳақиқий меҳнати билан улуғлайди. Бунга мустақил ўлкамизда шарт-шароит бисёр.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА.

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН АРЗОН НАРХЛАРДА
ҚУЙИДАГИЛАР СОТИЛАДИ:
** ТЕГИРМОНЛАР УЧУН ВАЛЛАР:
- БЗН 1000x250;
- БВ 1000x250.
** 50 кг ва 15 кг
СИҒИМЛИ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР.
Тўлов шакли: нақд пул ўтказиш ва вексел билан.
Манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26.
FIRMA DEMIR
Тел.: 30-40-42, 41-87-73, 33-81-48, 33-06-00, 42-27-43, 42-06-73.

Замонавий қишлоқ врачлик пункти ёки бошқа бино ва мажмуа қуриш ниятидамисиз?
ЎЗДАВТИБЛОЙИҲА институти ёрдам беради.
28 йиллик тажрибага эга бўлган институтимиз ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган:
- умумий ва махсус йўналишли шифохона;
- туғруқхона;
- санитария-эпидемиология станцияси;
- поликлиника;
- тез ёрдам станцияси;
- дорихона
кабиларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини қиска муддатда тайёрлаб беради.
90 дан ортиқ тиббий иншоотларнинг такрорланувчи лойиҳалар КАТАЛОГИдан истаганингизни танлаб олишингиз мумкин.
Манзил: 700007, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 30.
Телефон: 67-92-31, тел./факс: 67-92-24.

ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИСТАЛГАН ВАҚТДА ШАРТЛАШГАН НАРХЛАРДА ҲАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:
КАЛЬЦИЙ КАРБИДИ
ФРАКЦИЯ 25-80 Темиртоуда тайёрланган.
АККУМУЛЯТОРЛАР, АВТОШИНАЛАР, ЦНСГ 38/176 НАСОСЛАРИ.
Тел.: (3712) 77-73-30, 77-09-77, 77-77-60.

"КАРШИСТРОЙИНДУСТРИЯ" НИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БАЗАСИ ТОМОНИДАН ЙЎҚОТИЛГАН "ЎЗДОНМАҲСУЛОТ" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЧИҚАРИЛГАН ҚУЙИДАГИ ВЕКСЕЛЛАРИ:

СЕРИЯСИ	НОМЕРИ	НОМИНАЛИ (СЎМ)
ДОН 001	0007214	250000
ДОН 001	0007366	250000
ДОН 001	0007371	250000
ДОН 001	0007327	250000

ЯРОҚСИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

"Азия-Форум" фирмаси
Тошкентдаги омборидан қуйидагиларни сотади:
экскаваторлар, тракторлар, турли русумдаги МАЗ, КАМАЗ автомобиллари, хомсурп (артикули 4744), чет элда тайёрланган линолеум (паркет ўрнида).
Ҳақи пул ўтказиш орқали тўланади.
Тел./факс: 50-01-04.

ЕВРОПАДАН офис ва уй учун
DAIWA
МЕБЕЛЬ,
бильярд столлари, дераза ва эшик комплектларига буюртма қабул қилинади.
"Дайва" қўшма корхонасидан пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.
Тел.: (3712) 48-65-26 Манзил: Жомий кўч., 5

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқилжон Обидовга қизи **НАРГИЗАнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси бошқарма бошлиғи муовини Алишер Қурмановга отаси **Анвар ҚУРМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.
БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0580 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди —22.22